

Мен мактабда директор бўлиб ишлайман. Директор фондидан мукофот олган эдим. Юқори турувчи органининг тавсияси бўлмаганлиги сабабли, туман молия органларининг кўрсатмасига кўра, мазкур мукофотни қайтариб тўладим. Шу тўғрими?

5 бет

7-8 дақиқа ўтар-ўтмас уйдан чиқди-ю, машинасида ўтирган нота-ниш кимсани кўриб қолди. Анвар уни таниёлмай, қадамни тезлаштириди. Аммо улгурмади. "Дамас" зумда кўздан ғойиб бўлди...

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Нидош



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 3-may, №18 (799)

Бош прокуратурада

## Навбатдаги ҳайъат мажлиси

Л.ЖАЛОВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори



Жорий йилнинг 2 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратура таркибий тармоқларининг раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт ва Навоий вилоят прокурорлари иштирок этдилар.

Ҳайъат мажлисида Бош прокуратура текширув гуруҳлари томонидан Республика Транспорт ва Навоий вилоят прокуратураларининг ҳудудда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини комплекс текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Ушбу прокуратуралар органларида Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида" - ги Қонунда белгиланган вазифалар ва прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ишларни ташкил қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилган муайян

ишлар билан бир қаторда, айрим соҳаларда камчиликларга йўл қўйилган.

Мажлисда мазкур прокуратура органлари томонидан қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши курашишни ташкил қилиш борасида йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинди.

Шунингдек, мажлисда ўтказилган комплекс текшириш жараёнида аниқланган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, уларни бартараф этишнинг зарур чораларини кўриш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Республика Транспорт ва Навоий вилоят прокурорлари олдиға қонунлар ижросига, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишиға бўлган муносабатни кескин ўзгартириш ва назорат фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш борасида қатъий талаблар қўйилди.

Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлимлари раҳбарларига мазкур прокуратураларда тегишли соҳалар бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, ҳудудда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти устидан назоратни кучайтириш топширилди.

Республика Бош прокуратураси ҳайъати прокуратура ходимларининг масъулиятини тубдан ўзгартириш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириб бориш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Ўтганларни хотирлаш, уларни ҳурмат билан ёд этиш, ёни-мизлаги азиз инсонлар — отахон ва онахонларни эъзозлаш, халқимизнинг асрий қадриятлари, улўғ фазилатларидан бири-мир. Чунки хотира — ўтганларнинг тириклар қалбидagi сурати, унутилмас ёддир.

## Муқаддас туйғу

Қадрлаш ёши улўғларға нисбатан эъзоз ва ҳурмат, инсоний бурчдир. Шу боис, хотира, қадр тушунчалари азал-азалдан халқимиз тафаккури, маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлиб келган.

Ўз аждодларини, ўз юртининг ўтмишини, тарихини эсламай-диган, билишни истамайдиган, ўз хотирасида сақламайдиган одам боласини, онли инсонни тасаввур қилиб бўлмайди. Мустақиллик йилларида қон-қонимизға сингиб кетган хотира ва қадр деб аталмиш муқаддас тушунчалар маъмуран янада бойиди.

Иккинчи жаҳон уруши, унинг жароҳатлари халқимиз хотирасида умрбод сақланади. У 30 миллион кишининг ёстигини қуритди. Бизнинг республикамизда ҳам бу урушдан жафо чекмаган, аламзада бўлмаган оила қолмади, ҳисоб. Қайтмаганлар йўлиға маҳталлар, хат-хабарға зорлар ҳам оз эмасди. Шу туйғайли ҳам Ватан (истиқболға эришгунимизға қадар бутун Совет Иттифоқини ватан деб билганмиз)нинг муқаддас туپроғиға бостириб кирган гитлерчиларға қарши олиб борилган аёвсиз жангларда иштирок этган, унда жон олиб, жон берган ҳар бир жангчининг номи, у қайси миллат вакили эканлиғидан, урушдан қайтган ёки қайтмаганлиғидан қатъи назар, авлодлар қалбидан сира ўчмайди. Чунки улар Ватан тинчлиги, халқ озодлиги йўлида азиз жонларини аямадилар. Кишининг қирчиллама совуғи-ю ёнинг нафасни бўғадиган дим ҳонисиди ҳам эрта-ю кеч душманға қарши тинимсиз жанг қилдилар. Миллионлаб юртдошларимиз эса фронт ортида туриб, фидокорона меҳнатлари билан галабага муносиб ҳисса қўшдилар.

/Давоми 4-бетда/

3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни

Сўз ва ахборот эркинлиги фуқароларнинг асосий шахсий ҳуқуқлари ҳисобланади. Матбуот эса сўз ва ахборот билан тикри. Агар эркинлик бўлмаса, яшай олмайдим. Жаҳон тарихи бир неча асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтган матбуот ўз эркинлигини таъминлаш учун муттасил курашиб келганлиғидан гувоҳлик беради.

## Мустақиллик берган эркинлик

Фақат Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда бу соҳада халқро майдонда ижобий ўзгаришлар сезила бошлади. Ўзбекистон мустақиллиги кўлга киритган 1991 йил дунё матбуоти тарихида ўчмас из қолдирди. Уша йилнинг 3 майида Намибиянинг Виндхук шаҳрида Африка давлатлари матбуот ходимлари анжумани бўлиб ўтади. Унда барча давлатларға қадар матбуот эркинлигини таъминлашға доир декларация қабул қилинади. Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлади ва ниҳоят, 1993 йил 20 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 3 майни Жаҳон матбуоти эркинлиги куни деб эълон қилди. Бу санани кенг нишонлаш мамлакатимизда ҳам аънамага айланди.

3 май куни қўллаб давлатларда бир қатор хайрли тadbirlar ҳам ўтказилади. Жумладан, халқаро микёсда энг яхши журналистлар ЮНЕСКОнинг махсус мукофотлари билан тақдирланади. Ўзбекистонда ҳам Жаҳон матбуот эркинлиги куниға муносиб тайёрлиги кўрилади. Бир неча йилдирки, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда ташкил этиладиган "Олтин қалам" халқаро танловиға айнан шу куни яқун ясалади. Бир неча номинацияларда танлов ғолиби бўлган ҳамкасblаримизға мукофотлар тантанали равишда топширилади.

Матбуот эркинлиги ҳақида сўз юритганда, аввало, бу соҳани ривожлантириш мустақилликнинг дастлабки қунлариданок муҳтарам Президентимиз ва давлатимиз эътиборида бўлиб келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мамлакатимизда олиб борилган ислохотлар матбуот ва ОАВ соҳасини ҳам тўла қамраб олди. Оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилди.

/Давоми 4-бетда/

## Матбуот анжумани

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида 2012 йилнинг 30 апрелида "Прокуратура органлари томонидан тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишиға қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат фаолияти" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тadbирда Бош прокуратура ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда 2011 йилда ва жорий йилнинг ўтган 3 ойи давомида прокуратура органлари томонидан бу соҳада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаblари ва бунға имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ахборот берилди. Жумладан, бу йўналишда 851 та тақдимнома киритилганлиги, қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш ҳусусида 1 минг 144 та протест келтирилганлиги, 1 минг 661 нафар мансабдор шахслар қонунбузилишиға йўл қўймаслиги ҳақида расман огоҳлантирилганлиги, 1 минг 27 нафар шахслар интизомий, 326 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилганлиги, тadbир-

корларнинг 11 млрд. сўмдан ортиқ ҳақларини ундириш юзасидан судларға 1000 дан ортиқ аризалар киритилганлиги ҳамда кўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 155 та жиноят ишлари кўзгатирилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, ушбу даврда прокуратура органларининг "Ишонч телефонлари"ға тadbirkorлик субъектларидан келиб тушган 2 минг 800 дан ортиқ муурожаатларнинг 2 минг 265 таси қаноатлантирилиб, тadbirkorларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланганлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, бу даврда прокуратура органлари томонидан маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда 430 мингдан ортиқ тadbirkorлар билан бевосита 8 минг 800 дан зиёд учрашувлар ўтказилиб, 6 минг

700 нафар тadbirkorға амалий ёрдам кўрсатилганлиги ва бунинг натижасида 11 минг 800 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилганлиги ҳусусида тўхталиб ўтилди.

Анжуманда мамлакатимизда тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш юзасидан етарли норматив-ҳуқуқий база яратилганлиги, кичик бизнес ва ҳусусий тadbirkorликини ривожлантириш мақсадида кенг қамровли тadbirlar ўтказилаётганлиги эътироф этилди.

Бош прокуратура масъул ходимлари кун тартибидаги масала бўйича оммавий ахборот воситалари вакилларини қизиқтирган саволларға жавоб бердилар.

Тadbир якунида тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда тарғибот ишлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги янада яхшилаш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиб, бандлик масаласини ҳал этишда тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқийс. Шу сабабли мазкур соҳани қўлаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ҳуртобмонимиз томонидан ўтган йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили", деб эълон қилиниши ҳам бунинг аққол тасдиғидир.

## Бағрикенглик намунаси

Шундай бўлса-да, тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан ўзининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланаётган айрим мансабдор шахслар ҳам учраб турибдики, бундайларнинг қилмиши ҳеч бир қолигача сиймайди.

Арносай туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи лавозимда хизмат қилган Л.Ураловни ана шундайлар тоифасига киритиш мумкин. У мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, 2009 йилдан 2011 йилнинг август ойигача бўлган вақт оралиғида юридик шахс ҳамда яқна тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун инспекцияга мурожаат қилган 76 нафар тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланган 5 млн. 912 минг 111 сўмлик давлат божларини давлат бюджетига ўтказмасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

**Бектош СОИПОВ,**  
Арносай туман прокурори

Ушбу ҳолат бўйича ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилади. Суд инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, қолаверса, Л.Ураловнинг муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, содир этилган жиноят Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги "Амнистия тўғрисида"ги Қарорининг 2-банди таъсири доирасига тушганлиги сабабли унга нисбатан юритилган жиноят ишини мазкур амнистия актининг 7-бандига асосан ҳаракатдан тугатишни лозим деб топди.

Умид қиламизки, Л.Уралов ушбу бағрикенгликдан тегишли ҳулоса чиқариб, бундан кейин ҳалол меҳнати билан ўзига билдирилган ишонччи оқлайди.

## Самарали тадбирлар

**Зафар СОБУРОВ,**  
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тўртқўл туман бўлими суриштирувчиси

Хуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги ислохотлар изчиллик билан давом этар экан, жамиятнинг маънавий, ижтимоий, сиёсий ҳамда иқтисодий асосларига пугур етказувчи ҳар қандай иллатнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тўртқўл туман бўлими томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ўтган йили жами 39 та текшириш ўтказилиб, натижасига кўра 34 та жиноят иши ва 5 та маъмурий иш кўзгатилади. Туман Давлат солиқ инспекциясидан келиб тушган 8 та материалдан 7 та ҳолатда жиноят иши кўзгатилиб, биттаси жиноят ишига қўшилган.

Кўзгатиладан жиноят ва маъмурий ишлар натижасида давлат бюджетига 276 251,1 минг сўм қўшимча солиқ ва 733 млн. 818 минг сўм молиявий жарималар ҳисобланиб, ҳисобот даврида шундан 143 010,9 минг сўми ундирилган. Давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларига етказилган 127 972,6 минг сўм зарар аниқланиб, шундан 120 335,5 минг сўмининг давлат бюджетига ундирилиши таъминланган.

Бундан ташқари, хорижий валюта бўйича 7 та қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, 4 та ҳолатда жиноят иши кўзгатиладан. 3 та ҳолат юзасидан маъмурий ишлар юритилган. Мазкур жиноят ва маъмурий ишлар бўйича ҳуқуқбузарлардан ноқонуний муомалада бўлган 7 минг 892 АҚШ доллари, 61 минг 670 Россия рубли, 8,7 млн. Ўзбекистон сўми ва 22 минг 200 Қозоғистон тенгеси олиб қўйилган.

Шу билан бирга, фуқаролар томонидан ҳам айрим қонунбузилиши ҳолатлари учраб турибди. Масалан, 2011 йил 15 июнь куни бўлим ходимлари томонидан "ККЭлектртармоқлари" туман филиали ҳамда "Тўртқўл тумангаз" қорхонаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Тўртқўл шаҳри, Р.Сейтназаров кўчасида яшовчи фуқаро А.Романов молхонасига қўлбола мойжувоз ўрнатиб, ўзабошимчалик билан электр энергиясига уланиб, фаолият юритгани маълум бўлди. Тадбир натижасида мойжувоз ускунаси, 530 қ.р. пахта чигити, 171 қ.р. кунжара, алюминий қозон, 30 метр электр сими ҳамда электр токини ажратишда ишлатилган аппарат ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Айбдорга нисбатан тегишли жазо таъинланди.

Ш.Рашидов кўчасида жойлашган бинодан эса қўлбола усулда қалбаки акциз марказлар ёпиштирилган спиртли ичимликларни ишлаб чиқараётган Б.Хўжаев билан Фозил исмли фуқаролар қўлга олинди. Шунингдек, бу ерда 1,5 литр ҳамдадаги 19 та баклашдаки этил спиртига ўхшаш ўткир хидли суюқлик, 4 минг дона темир қопқоқ, қопқоқ устидан бостирилгадиган 19 минг 700 дона плёнка, ярим литр ҳамдадаги 1 минг 800 та бўш шиша, 2 минг 400 та турли қалбаки акциз марказлар, 105 дона шиша ва бошқа маҳсулотларнинг борлиги аниқланиб, айбдорларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилади.

## Суиистеъмол қилинган ишонч

**Максуд ТОШЕВ,**  
Хатирчи туман прокурорининг иш ўрганувчи ёрдамчиси

Аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ўз вақтида қўлаб-қувватлаш юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни муваффақиятли ўтказишнинг гарови бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда, ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий қўлаб-қувватлашга қаратилган вазифаларни ҳал этишга кенг жалб қилингани, уларнинг турли хил ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатилишида, нафақа ва бошқа хил моддий ёрдам турларини белгилашдаги ролини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Албатта, бу бежиз эмас. Чунки жамиятнинг ноқор қатламлари, шунингдек, кам даромадли оилалар, ногиронлар, қариялар, ёлғиз оналар, етим ва қаровсиз болалар ҳатто тенг имкониятлар шароитида ҳам ёрдамга муҳтож бўлади. Маҳалла эса ким қандай шароитда яшапти, ким ҳақиқатдан ҳам ёрдамга муҳтож ё йўқлигини яқши билади.

Четдан қараганда, зиммаси-

га бундай вазифа юклатилганлар нафақат лавозимларидан келиб чиққан ҳолда бурчларини бажармоқдалар, балки маълум даражада савоб ишларни ҳам амалга оширмоқдалар.

Аммо гоҳида ана шундай савоб юмушни бажариш вақтида ўзининг шахсий манфаатини ўйлаб, баҳонада уч-тўрт сўмлик бўлиш илинжида юрганлар ҳам учраб турибдики, фидойи фуқароларимизнинг савий-ҳаракатлари туфайли бундай шахсларнинг жиноий қилмишларига чек қўйилмоқда.

Хатирчи туманидаги "Янгийўл" ҚФЙга қарашли "Тамбабахрин" маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Тўраев билан унинг котиби Ш.Халилов ана шундай кимсалардан экан. Йўқса, уларга 2 ёшгача бўлган фарзандига болалар нафақасини тайинлаш бўйича аризасини рўйхатга олиш масаласида мурожаат қилган, бунинг учун 50 минг сўм пул ҳам берган фуқаро Х.Хусановдан тамағирлик йўли билан яна "хизмат ҳақи" сўрашармиди?

Хуллас, раис билан котибининг талаблари ноқонуний эканлигини билган Х.Хусанов вақтни ўтказмай, тегишли идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Унинг аризаси юзасидан тезкор тадбир ўтказилиши белгиланди ва орадан кўп ўтмай, маҳалла котиби хонасида фуқародан яна 60 минг сўми пора тарикасида олган мутасаддилар жиноят устида қўлга олинди.

Тўғри, айбдорлар қилмишларига яраша жазага тортилдилар. Аммо, ҳақиқатан ҳам моддий таъминотга муҳтож, қолаверса, мақоламини аввалида қайд этганимиздек, юртимизда айнан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўлаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётган бир пайтда уларнинг ризига кўй олайтириш инсофданмикан?

## Уддабурон «тадбиркорлар»

**Нормухаммад УММАТОВ,**  
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

Мамаклатимизда қулай бизнес муҳитини яратиб, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва руҳсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат бюрократия берилишидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор воқеалари ва механизмларини татбиқ этиш борасида кенг қўламли тадбирлар амалга ошириляпти.

Демак, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун барча хуқуқий асослар етарли. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланган тадбиркорлар сафининг кун сайин кенгайиб бораётгани қувонарли бўлгани ҳолда, қонуни четилаб ўйтуш режасини тузган сохтакорлар ҳам йўқ эмас. Вилоятимизда солиқ ва бошқа тўловларни тўламадан, электр, газ тармоқларига ноқонуний уланиб, яширин ишлаётган сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйилмоқда.

Вилоятнинг Бахт шаҳрида яшовчи А.Аметов ана шундай сохта тадбиркорлардан экан. У уйининг ёрдамчи хўжалик биносидан чигит ва кунжарадан қўлбола ёғ ишлаб чиқарувчи цех ташкил қилиб, ёғ савдоси билан шуғулланиб кел-

ган. Тезкор тадбирда пахта чигити, истеъмолга яроқсиз ёғ, кунжара маҳсулотлари ва қўлбола мойжувоз ускуналари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Сирдарё тумани С.Раҳимов СФУда яшовчи фуқаро А.Суёнов "тадбиркорлик"да А.Аметовдан ўрнатилган қўлбола мол фермасининг ёрдамчи хўжалик биноларининг бирида қўлбола мойжувоз ўрнатди-ю, ёғ ишлаб чиқара бошлади. Аммо у ишлаб чиқарилаётган ёғнинг сифати ҳақида ўйлаб ҳам кўрмай, ҳамқишлоқларига сота бошлади. Ўтказилган тадбирда ундан пахта чигити, истеъмолга яроқсиз ёғ, кунжара маҳсулотлари ва қўлбола мойжувоз ускуналари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Шунингдек, ўзи яшаб келаётган уйнинг ёрдамчи хўжалик хонасида чигит ва кунжарадан ноқонуний равишда қўлбола ёғ ишлаб чиқарувчи цех ташкил қилган Сирдарё шаҳрида яшовчи М.Содиқовдан пахта чигити, истеъмолга яроқсиз ёғ, кунжара маҳсулотлари ва қўлбола мойжувоз ускуналари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Уддабурон "тадбиркорлар"нинг барчаси суд ҳукмига кўра қонуний жавобгарликка тортилди.

## Ноқонуний иш — келтирар

Мамаклатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдек хайрли мақсадга қаратилгани билан эътиборга моликдир. Айниқса, бозор иқтисодиётининг босқичма-босқич жорий қилиниши товарлар ҳажмининг орттишига, хизмат кўрсатиш тизимининг бир неча беравара кенгайишига олиб келди. Мустақиллик шарофати билан бозорларимизда сифатли, талаб даражасидаги товарлар тақлим этилаётгани, аҳоли учун қулай хизматлар кўрсатилаётгани қувонарли ҳол. Лекин шу билан бирга, сифатсиз қўлбола маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш жараёнида мизохларнинг манфаатларига зарар етказиш каби салбий ҳолатларнинг ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш жоиз.

СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Избоскан туман бўлими томонидан ушбу йўналишда бир қатор тезкор тадбирлар ўтказилиб, бозорларимизга қўлбола усулда тайёрланган сифатсиз маҳсулотларни чиқариш ва муомалага киритиш билан шуғулланаётган шахсларнинг фаолиятига чек қўйиб келинмоқда.

Бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир натижасида тумандаги "Эркин" қишлоғи ҳудудида фуқаро А.Бўстонов ўзига тегишли ёрдамчи хўжаликда шерикларни билан чигитдан қўлбола усулда пахта ёғи ва кунжара маҳсулотларини ишлаб чиқараётганлиги аниқланган. Тадбир давомида мойжувоз дастгоҳи, қўлбола усулда тайёрланган пахта ёғи, чигит қолдиқлари ҳамда кимёвий кукунлар

## Ташвиш

**Баҳриддин СОБИРОВ,**  
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Избоскан туман бўлими бошлиғи

ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Айбдорларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, ҳозирда суриштирув-тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, истеъмолчиларнинг соғлиғига зиён етказувчи маҳсулот тайёрлаб, сотиш орқасидан келган даромад ҳеч қачон барака келтирмайди. Ноқонуний иш эса, бир кун келиб фош этилган, унга қўл урган кимсаннинг маҳалла-қўй олдида юзи шувут бўлгани қолади, холос.

# Болалар — миллат келажяги

Ўзбеклар — болажон халқ. Оилада гўдак туғилса, байрам бўлиб кетади. Эртанги кундан умидвор инсон борки, фарзандини олоб-ахлоқи гўзал, ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш орзусида бўлади. Чунки жамият ва миллат олдига бундан-да масъулиятли вазифа бўлиши мумкин эмас.

Болалар — келажягимиз, биз эриша олмаган орзуларни амалга оширадиган ворисларимиз. Лекин ҳаётда ота-она орзусини рўёбга чиқарадиганлар билан бир қаторда фарзандликка номуносиб хатти-харакат қилади-ганлар ҳам учрайди. Шундай болаларнинг вояга етишида ким айбдор? Ота-она қаерда хатога йўл қўйди? Нимага эътибор бермади?

Бир ривоятда айтилишича, ота фарзандини қандай тарбиялаш кераклиги ҳақида маслаҳат сўраш мақсадида доғишмандининг ҳузурига йўл олибди.

— Фарзандингиз неча ёшда?

— сўрабди доғишмандин.

— Олти ойлик, — жавоб бердибди гўдакнинг отаси.

— Унда олти ойга кечикибсиз, — дебди доғишмандин.

Дарҳақиқат, олимларнинг фикрича, инсон умри давомидан оладиган барча ахборотнинг 70 фоизини беш ёшчага бўлган даврида олар экан. Бу даврда эса бола асосан оиласида, ота-онанинг бағрида яшайди ва улардан тарбия олади. Бола фақат оиладагина соғлом ўсади ва ҳар томонлама ривожланади. Оила бола шахси, унинг ижтимоий бағрида яшайди ва улардан тарбия олади. Бола фақат оиладагина соғлом ўсади ва ҳар томонлама ривожланади. Оила бола шахси, унинг ижтимоий бағрида яшайди ва улардан тарбия олади. Бола фақат оиладагина соғлом ўсади ва ҳар томонлама ривожланади. Оила бола шахси, унинг ижтимоий бағрида яшайди ва улардан тарбия олади.

Вилоятимизда 1 млн. 181 минг нафар вояга етмаган бўлиб, уларнинг 30 минг 137 нафари мактабгача таълим муассасаларига жалб этилган, 492 минг 18 нафари мактаб ўқувчилари, 1 минг 650 нафари болалар ва ўсмирлар ижодиети марказларига, 10 минг 839 нафари болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига, 305 минг 205 нафари эса бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган турли тўғаракларга жалб этилган. 72 минг 45 нафар вояга етмаган мунтазам равишда спорт билан шуғулланади, 154 минг 118 нафар ўқувчи академик лицей ва касб-хўнар коллежларида таълим олишади. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабабларини таҳлил қилар эканмиз, улар асосан оиладаги тарбия, тўғирроғи, тарбияга эътиборсизлик, назоратнинг сустигидан келиб чиқётганига гувоҳ бўламиз.

Текшириш натижаларига кўра, қонунга зид бўлган 209 та норматив ҳужжатга нисбатан протест келтирилиб, барчаси қаноатлангилар, қонунбузилиши ва унинг келиб чиқиш сабабларини бартлаб этиш юзасидан тегишли идораларга 391 та тақдимнома киритилган, 1 минг 81 нафар мансабдор шахс расмий равишда оғохлангилар, 458 нафар шахс интимиқий, 494 нафар шахс маъмурий, 2 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилган.

Вилоят прокуратураси ва вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари ко-

миссиясининг ташаббуси билан ота-онани қарамоғидан маҳрум бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 120 нафар вояга етмаган бола ҳомийлар маблагга ҳисобидан Китоб туманидаги "Соғломлаштириш маркази" да дам олдирилган. Марказда мавсумий дам олувчи бу тоифадаги болалар "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари томонидан мактаб сўмаклари, ўқув куроллари ва бошқа қийим-кечаклар билан таъминланган.

2011 йилнинг 16-22 август кунлари ҳомийлар маблагга ҳисобидан Шахрисабз туманидаги "Беруний" номли болалар оромгоҳи ҳузурда "Харбий спорт оромгоҳи" ташкил этилиб, ички ишлар бўлимида рабда профилактик ҳисобда турган 100 нафар вояга етмаган болалар ҳордиқ чиқарган, ўтказилган тушунтириш ва профилактик тадбирлар натижаларига кўра, улар профилактик ҳисобдан чиқарилган. Ўтказилган турли тадбирларда фаол иштирок этган болаларга "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг faxрий ёрликлари ва эсдалик совғалари топширилган.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан ҳомийлар маблагга ҳисобидан 2011 йилда Қарши шаҳридаги кар-соқов болалар махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари учун ювиниш хоналари янгидан қуриб берилган. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш, махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчиларига таълим-тарбия бериш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш мақсадида "Муруват уйлари" ва махсус мактаб-интернатларда таълим олаётган болалар ўртасида турли тадбирлар ташкил этилган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан 2012 йил январь-март ойлари давомида 102 мартаба текширишлар ўтказилган. Текшириш натижаларига кўра, прокурорлик назорати ҳужжатлари сифатида қонунга зид бўлган 54 та норматив ҳужжатга нисбатан протест келтирилиб, барчаси қаноатлангилар, қонунбузилиши ва унинг келиб чиқиш сабабларини бартлаб этиш юзасидан тегишли идораларга 126 та тақдимнома киритилган, 151 нафар мансабдор шахс расмий равишда оғохлангилар, 226 нафар шахсга нисбатан интимиқий, 365 нафар шахсга нисбатан эса маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилган.

Ҳоқ катталар, ҳоқ ўсмирлар ўртасида содир этилган бўлин, жиноятчиликнинг илдизи оилага бориб тақалади. Куш уюсида қўрганни қилади, деганларидек, бола илк қадамларидан

бошлаб ўзи кўраётган, идрок этаётган нарсаларга эргашади, тақлид қилади. Бу дунё яхши нарсалар ва эзуғилар билан бирга талайгина иллатларга ҳам тўла эканлигини англамайди. У ҳамма нарсага бола кўзи билан қараб, баробар қўл чўзади. Шундай экан, оиладаги низоларга барҳам бериш, унда соғлом муҳитни қарор топтириш бутун жамоатчиликнинг иши. Аммо айрим ҳолларда бунга эътибор қамайиб, ботси оилаларда болалар назоратсиз қолиб, жиноятга қўл уришапти. Масалан, 2011 йилда вилоятда вояга етмаганлар томонидан содир этилган 122 та жиноятлар таҳлил қилиниб, мутасадди идоралар билан ҳамкорликда вилоятдаги вояга етмаганлар қаровсизлиги, ҳуқуқбузарлиги, жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда ўқимасдан ва ишламасдан юрган вояга етмаган ёшларни ўқиш ва ишга жалб қилиш мақсадида вилоят халқ таълими, ўрта махсус касб-хўнар таълими бошқармасига қарашли ўқув юрталарида ўқишдан бўйин товланган, тарбияси оғир ва ўзлаштириши қийин бўлган ҳамда ИИБда профилактик ҳисобда турувчи ўқувчиларга тажрибали ўқитувчилар мураббий этиб бириктирилиб, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун тўғаракларга жалб этилган. 2011 йилда коллежларни таомоллаган 33 минг 102 нафар йўлғит-қиз ишга жойлаштирилган.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар таҳлил қилиб кўрилганда юқорида таъкидлаганимиздек, асосан, улар қаровсиз ва назоратсиз қолдирилганлиги оқибатида бундай жиноятларга қўл урганликлари аниқланган.

Бугун Президентимиз раҳнамолигида фарзандлар камолоти қаратиладиган бекйёз ғам-хўрлик, юксак эътибор замирида уларни маънан етук, жисмонан баркамол қўришдек эзгу истак мужассам. Мустиқилликнинг дастлабки йилларида ноқ давлатимиз томонидан ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ортиб бораётганлиги ҳеч беришимизга сир эмас. Зеро, ёшларнинг тарбиясига нега бу қадар муҳим вазифа сифатида қаралаётгани ЎРТБОШИМИЗНИНГ "Биз юртимизнинг эртанги ривожини йўлида қандай чўқур ўйланган дастурларни тузайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча қўл сармога сарфарб этамайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки иш, у ҳам бўлса, юқори малакали кўчи ва юртимизнинг эртанги кунни, тарқиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлаёманки, ҳеч қандай хато бўлмайди", деган фикрлариди ўз ифодасини топган.

Бинобарин, 2008 йилнинг "Ёшлар йили", 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили", 2012 йилнинг эса "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинишидан кўзланган асосий мақсад ҳам баркамол авлод орзуси йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар замирида келажякда ҳамда Ватан тақдирига бўлган масъулиятдир.

Маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ униб-ўсиб келаятган ёш авлод тимсолида шу

халқнинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кўчи кўради. Ҳозир бизнинг барча саяё-ҳаракатларимиз ана шундай камол инсонларни тарбиялашга йўналтирилган. Юртимизда миллий қадриятларга асосланган ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий мақсадларидан бири ҳам баркамол авлод ва унинг манфаатларини рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Яқинда мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган "Юксак биллими ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт" мавзусидаги халқаро конференцияда Президентимиз Ислам Каримов "Ҳозирги замонда демократик тараққийёт, модернизация ва янгиланш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор дўимо ўзининг қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин", дея таъкидлади. Шу боис, бугун мамлакатимиздаги барча давлат ва жамоат ташкилотларининг, жумладан, вояга етмаганлар муаммолари билан шуғулланувчи идораларнинг амалдаги тузилмалари ўзгартирилиб, янгидан шакллантирилмоқда ва бундан фуқаролик жамияти институтларининг иштирокига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун мамлакатимизда болалар муаммолари билан давлат органлари қатори нодавлат ташкилотлар, хусусан, Хотинқизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати, Касаба уюшмалари федерацияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, "Сен ёлғиз эмассан" болалар жамғармаси, "Келажяк овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Меҳр нури" жамғармаси, "SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари", Республика болалар ижтимоий моллашув маркази ва бошқалар ҳам фаол шуғулланмоқда.

"Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, 2008 йил 8 январдан эътиборан қўлга кирди. Дарҳақиқат, бола ёшлигидан ўзини тангай, ўз ҳуқуқларини билиб улғайса, юртига муҳаббат уйғонади ва энг асосийси бепарқ бўлмайди. Мамлакатимизда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида институал тизим яратилди. Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, Ички ишлар вазирлиги қошида "Вояга етмаганларни ижтимоий ҳуқуқий ҳимоя қилиш марказлари" тузилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз умумий аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Шу маънода юртимиз аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборни жалб этиш давлат сийсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ота-она, ўқитувчи ва мураббийлар назоратидан четда қолган болалар ҳали мустиқлик ҳаётга қадам қўймай туриб, жиноят кўчасига кириб кетишля-

Худойқул ТУРДИБОВ,  
Қашқадарё вилоят прокурори

ри, айниқса, ёзги таътил даврида назоратсиз қолган болалар иштирокида турли кўнгилсизликлар содир этилиши мумкин. Шуларни инобатга олиб қасаба уюшмалари вилоят федерацияси мутасаддилари билан ҳамкорликда ёзги таътил даврида болаларнинг кўнгилсизликларини ташкил этиш тараддудини кўраямиз. Чунки ёзги таътил даврида болаларнинг кўнгилсизликларини ташкил этиш чикаришлари, нафақат уларни соғломлаштириш нўқтаи назаридан, шунингдек, теран фикрлайдиган, жисмонан бақувват инсонлар бўлиб етишишлари, янги ўқув йилида билимларни пухта ўзлаштиришлари, ўзларини тетик ва бардам ҳис этишлари ҳамда жиноятчилик қўчасига кириб кетмасликлариди ҳам муҳим омил саналади.

Таъкидлаш жоизки, болаларнинг ёзги соғломлаштирилишини намунали ташкил этиш ва ўтказиш биргина ташкилот ёки идора зиммасидаги вазифа бўлмай, бу вазифа барчага бирдек масъулият ўқлайди. Ушбу жараёнда қадрларни тўғри танлаш ва уларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини замон талабларига жавоб бера оладиган, етарли даражадаги билим ва тажрибага эга бўлган педагог ва тиббиёт ходимлари билан таъминлаш масаласини алоҳида назоратга олганмиз.

Юқориди таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар, қонуний негизлар тўла шакллантирилган. Бунинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб берилган. Бош Қонунимизнинг 45-моддасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланган бўлса, унинг 64-моддаси билан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етганларга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги мустаҳкамланган бўлса, унинг 64-моддаси билан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етганларга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги мустаҳкамланган бўлса, унинг 64-моддаси билан ота-оналарнинг вазирлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиш таъминлаши, болаларга баянланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши белгиланган. Бундан ташқари, Бош Қонунимизнинг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назор, қонун олдиди тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши мустаҳкамланган.

Шу нўқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг нормаларига мувофиқ қабул қилинган бошқа қонун ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида барча фуқароларга берилган шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлар, сийсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар вояга етмаганларга ҳам тегишлидир.

Ҳа, буюк авар шоири Расул Ҳамзатов "Халққа унинг буюк фарзандлари орқали баҳо берардилар", деган экан. Нафақат болаларига қараб, балки оналарига ҳам қараб, миллатнинг бугунги даражасини ва келажягини билса бўлади.

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Салкам олти йил давом этган Иккинчи жаҳон урушида жафокаш халқимиз не-не асл фарзандларидан, оиланинг таянчи ва суянчи бўлмиш қанчадан-қанча навқирон ўғлонларидан жудо бўлди, қанчадан-қанча юртдошларимиз ном-нишонсиз, бедарак кетди. Уларнинг онаизорлари, умр йўлдошлари бир умр йўл қараб, кўзда ёш, дилда армон ва ҳасрат билан дунёдан ўтишди.

Тарихий маълумотларга қараганда, агар уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони урушда бевосита иштирок этган. Ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг 40 фоиздан орტიроғи қўлига қурол олиб, жангу жадалларда қатнашган. Ва бу даҳшатли қирғинда 450 мингдан зиёд юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг қарийб учдан бири ҳалок бўлгани, қанчадан-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қолгани, минглаб аёллар бева, болалар етим бўлиб қолганини инобатга оладиқан бўлса, эришилган галабанинг қадр-қиммати нечоғли баланд экани ва унга халқимиз қанчалик катта ҳисса қўшгани аён бўлади.

Бу урушда Қашқадарё вилоятидан кетган 45 минг 732 нафар йигитнинг 24 минг 716 нафарига ўз она юртига қайтиш насиб этмади. Айни пайтда вилоятда 476 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси (шулардан 4 нафари аёллар) ва 13 минг 585 нафар уруш ортида хизмат қилганлар истикомат қилишмоқда. Бу даҳшатли уруш етказган

# Муқаддас туйғу



оғир жараҳат битмас яра бўлиб, ҳеч қачон хотирамиздан ўчмайди. Юртимизда бирон-бир оила, бирон-бир хонадон йўқки, кимидир бу урушда қатнашмаган, уруш уларнинг бошига кулфат келтирмаган бўлсин.

Табийки, ҳар бир оила жанг майдонларида қурбон бўлган, бедарак кетган ўз аждодларининг хотирасини ордан қанча йиллар ўтса ҳам армон билан эслайди.

1998 йилнинг 9 майида Президентимиз Ислоҳ Каримов Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан бўлган "Номаълум солдат қабри" ёдгорлиги олдидаги учрашувда "Ўзбекистонимиз йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, жон олиб, жон бе-

раётганида, ишончим комилки, Европадаги қандайдир тепалик ёки қандайдир шаҳар-кишлоқ эмас, авваламбор, ўз уйларини, оқ ювиб-оқ тараган меҳрибон оналарини, сеvimли ёрини, азиз фарзандларини, қариндош-уруғу дўсту биродарларини ўйлаган. Ва мана шу инсонларнинг, элу юртининг тинчлиги, осойишталиги ва келажаги учун жон фидо этган.

Бу кун мана шу осмонимизнинг мусафоллиги, ҳаётиимизнинг тинчлиги учун урушда қурбон бўлган инсонлар кўни, уларнинг хотираси кундир.

Агар биз мана шу майдонда уруш қурбонлари хотирасини абадийлаштирсак, ўйламанки, жуда хайрли ва олижаноб иш қилган бўлар эдик", дея таъкидлаган эди.

Норбўта ҲОЗИЕВ,  
«Huquq»

Президентимизнинг 1999 йил 2 мартдаги "9 майни Хотира ва қадрлаш кўни деб эълон қилиш тўғрисида"ги Фармонида кўра, бу кун ҳар йили умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. "Номаълум солдат қабри" ёдгорлиги ўрнида Юртбошимиз ташаббуси билан ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Давлатимиз раҳбарининг тавсияси билан ёдгорлик мажмуи миллий меъморий анъаналар асосида барпо этилишига, халқимизга хос бўлган хислат — ўтганлар руҳига иззат ва ҳурмат ҳисси унда манаман, деб кўзга ташланиб туришига, ундан ҳам муҳими, эл-улус оёқ узмайдиган зийратгоҳга айланишига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Мотамсаро она хайкалини барпо этишда уруш туйғули оғир кулфатларни бошидан кечирган, жигарбандидан айрилиб, беҳад қайғу-жафо чеккан қадди эгик, мунис ва муштипар она ҳасратларини ўзида тўлиқ намоён этиши, ҳайкал пойидаги "Сен доим қалбимдасан, жигарим" деган ёзув эса, инсон хотираси жуда азиз ва мўътабар эканини англатиб туриши лозимлиги эътиборга олинди.

Ҳа, истиклол йилларида қарияларни қадрлаш, нуроний отахону онахонларимизнинг мазмунли ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитларни

яратиш, уларга гамхўрлик кўрсатиш муҳим йўналишга айланди. Халқнинг чинакам содиқ фарзандлари бўлгани учун ҳам "халқ душмани" деган тамга ёпиштирилган талай ўзбек адиблари, шоир ва олимларнинг чирқираган руҳи ҳам истиклол шарофати билан шод этилди.

Айниқса, бугунги дорилон кунларга шукроналик билан яшаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига алоҳида эътибор ва гамхўрлик кўрсатилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг уруш ва меҳнат фахрийларига қаратаётган эътибори алоҳида таҳсинга лойиқ. Президентимизнинг 2012 йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ана шундай улкан эътиборнинг амалдаги ифодаси бўлди. Мазкур Фармонга мувофиқ, жойларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари топширилмоқда.

Иккинчи жаҳон урушининг туғанага 67 йил тўлди. Лекин қонли урушнинг инсонлар қалбиде қолган жараҳати ҳамон битган эмас. Авлодлар онгда аждодлар хотирасини эъзозлаш, уларга муносиб авлод бўлиш, тирикларни кадрлашдек инсоний фазилатлар мустаҳкам қарор топсагина бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етатиши. Мунаввар кунлар учун курашган, керак бўлса, жонини қурбон қилган юртдошларимиз хотирасини қалбимизда сақлаб, уларнинг жасорати олдида ҳамиша бош эгамиз. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, тарихий хотира — бу, аввало, ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демокдир.

# Мустақиллик берган эркинлик

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Биринчи навбатда мамлакатимиз Конституциясида оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва қонунга мувофиқ ишлаши, улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгарлиги, цензурага йўл қўйилмаслиги кафолатланди. Бундан келиб чиққан ҳолда 2007 йил 15 январдан кучга кирган янги таҳрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунда ОАВнинг ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди. Ҳар кимнинг оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эга эканлигининг қонунда ўз ифодасини топиши юртимизда матбуот эркинлигининг чинакам намунаси бўлди. ОАВнинг масъулиятини ошириш мақсадида қонунда улар ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар эканлиги ҳам белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги "Журналистик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида"ги, 2002 йил 12 декабрдаги "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги ва "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуналари, "2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш Дастури" ҳам том маънода матбуот эркинлигини янада такомиллаштиришга дахлдор бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар саналади. Ҳуқуқий асосларнинг яратилиши юртимизда хусусий матбуот нашрлари, телеканаллар ва радиоканаллар, интернет тармоғининг вужудга келиши учун кенг йўл очиб берди.

Ислохотлар жараёнида нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-

қувватлаш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилди. Бугунги кунда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди фаолият юритиб келмоқда.

Матбуот соҳасида кенг қўламада амалга оширилган ислохотлар самарасини куйидаги рақамлар ҳам ифода қилади. Маълумотларга қараганда, сўнгги 10 йилликда босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробарга, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробарга кўпайган. 1991 йилда Ўзбекистонда 351 та оммавий ахборот воситалари фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллият ва элталарнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда матбуот эркинлигининг меваларидир. Шу тарихда ривожланиш палласига кирган миллий матбуотимиз ҳамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

Матбуот соҳасидаги эркинлик ҳаёлга келган ҳамма нарсани ёзиш мумкин дегани эмас. Журналист касбининг ҳам ўзига яраши одоби, қолаверса, жавобгарлиги бор. Юқорида айтганимиздек, тегишли қонунлар журналистан ҳалол, ростғўй, ҳаққоний ва адолатли бўлиши талаб этади. Бу биз, қалам аҳли зиммасига юклатилган катта масъулият ҳамдир.



Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь кўни бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этган Концепцияда ах-

Бахтиёр НАЗАРОВ,  
«Huquq»

борот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида навбатдаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Маърузада фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳрир-ятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммолари масалаларни ҳал этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди ҳамда бу борадаги масалаларнинг ечими сифатида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонуналари қабул қилиш, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлифи илгари сурилди. Демак, журналистлар учун янада кенгроқ ва эркинроқ фаолият майдони вужудга келади. Янги қонунларнинг қабул қилиниши, шак-шубҳасиз, матбуот ва ОАВ эркинлигини юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

## Икки марта амнистия...

2012 йилнинг 12 январда давлат маблағларини талон-торож қилганлиги учун Сурхондарё вилоят ХТМФМТ ва ТЭ Музработ туман бўлими собиқ мудир **Ё.Нормуродовга** нисбатан ЖИБ Сурхондарё вилоят апелляция суди томонидан Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрь кунги амнистия тўғрисидаги қарори татбиқ қилиниб, у асосий жазодан озод этилган эди.

Бундан ташқари, **Ё.Нормуродов** ЖКнинг 126-моддаси билан айбли, деб топиллиб, тергов жараёнида унинг берган аризасига биноан суд 2011 йилнинг 31 декабрда яна амнистияга кўра жавобгарликдан озод қилди. Шу тариқа унга бир ой ичда 2 марта амнистия қўлланилди. Шу тўғрисида?

Алишер Холбоев,  
Музработ тумани

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрь кунги "Судлар томонидан амнистия акти қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, амнистия акти маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган муайян тоифа шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ифодаси бўлиб, бундан кўзланган мақсад мазкур шахсларга нисбатан маъмурий ёки жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланган ҳолда уларнинг ахлоқан тузалиши учун имконият бериш ёхуд бундай чоралар қўлланилган шахслар ҳолатини энгиллаштиришдир.

Амнистия акти маъмурий ва жиноят қонуни нормаларидан фарқ қилиб, амал қилиш даврида содир этилган қилмишга нисбатан эмас, балки кучга киргунга қадар содир этилган қилмишга нисбатан қўлланилади.

Жиноят-процессуал қонунига мувофиқ амнистия актини

қўллаш масаласи, жиноят процесси босқичидан қатъи назар, фақат суд томонидан ҳал этилади.

Агар амнистия актида ёки уни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомда бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, амнистия акти муқаддам амнистия актига мувофиқ жиноят иши кўзгатилиши рад этилган ёки амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёхуд жазодан озод этилган ва амнистия акти қўлланилгандан сўнг қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланилмайди.

Жиноят кодексининг Умумий қисми нормаларига мувофиқ, амнистия акти шахс муқаддам амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган-этилмаганлигидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин, агар:

жиноят қонуни ўзгариши натижасида шахс муқаддам жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган қилмиш

жиноят, деб ҳисобланмай қолган бўлса;

амнистия акти қўлланилган пайтдан бошлаб шахс амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган жиноят учун қонунда белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддатларига тенг вақт ўтган бўлса (агар амнистия актида бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса);

шахс муқаддам бошқа давлат (шу жумладан, собиқ СССР)нинг амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ва амнистия актида бошқа ҳолат назарда тутилган бўлса.

Жиноят-процессуал кодекси 23-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, агар текшириш натижалари бўйича шахсга нисбатан ўтмишда амнистия акти қўлланилганлиги тўғрисида маълумот тўплас имкони бўлмаса, амнистия акти қўлланилиши шарт.

Мен мактабда директор бўлиб ишлайман. Директор фонидан мукофот олган эдим. Юқори турувчи органининг тавсияси бўлмаганига сабабли, туман молия органларининг кўрсатмасига кўра, мазкур мукофотни қайтариб тўладим. Шу тўғрисида?

И.Музаффаров,  
Турақўрғон тумани

## Қайтариш керак

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "Умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисида"ги Низом талабига кўра, директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланадиган барча тўловлар умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссияларнинг қарорига мувофиқ амалга оширилади. Маълумки, бунда мактаб директори комиссия раиси этиб тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда рўйхатга олинган "Умумтаълим мактабларидаги махсус комиссиялар тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, мазкур комиссия аъзоларидан бирига ҳар ойлик устамалар белгилаш ёки рағбатлантиришга оид масала кўриб чиқилаётганда, мазкур комиссия аъзоси овоз бериш жараёнида иштирок этмайди ва бу ҳақда комиссия йиғилишининг протоколида махсус ёзиб қўйилади. Энг муҳими эса, умумтаълим муассасалари ходимларини рағбатлантириш ёки уларга ҳар ойлик устамалар белгилашнинг объектив, ошкора ва ҳолис ўтиши учун жавобгарлик комиссия раиси зиммасига юклатилади. Овозлар тенг келиб қолганда, комиссия раисининг овози ҳал этувчи бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, мазкур муассаса раҳбари Директорлар фондининг бош бошқарувчисидир. Бинобарин, комиссия раисининг ўз номзодини рағбатлантириш учун қўйиши тўғри, деб ҳисобланмайди.

## Йиғим аслида қанча олиниши керак?

ФХДЁ бўлимида никоҳни тугатилганликни, ўлимини ҳамда никоҳни бекор қилишда давлат божи қанча миқдорда тўланиши лозим? Мен ўқитувчи бўлиб ишлайман. Аммо ҳали ота-онамининг номигаги уй-жойда ота-онам, онам билан бирга яшаб келаман. Лекин иш ҳақимдан электр энергия учун, деб ҳар ойда қарзимиз бўлмаса-да, маълум миқдорда ҳақ ушлаб қолинади. Ушбу ҳолат қонунийми? Енгил автомашиналарни техник кўрикдан ўтказганим учун давлат божи қанча миқдорда тўланади?

Шерали Бобоев,  
Каттақўрғон тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 июнь кунги "Гербли гувоҳномалар шакли ва герб йиғими миқдори тўғрисида"ги Қароридан белгиланишича, фуқароларга гербли гувоҳномалар берганлик учун (ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома бундан мус-

тасно) герб йиғимининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридан ўндирилади.

Ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш эса, Меҳнат кодексининг 164-моддаси талабларига мос бўлиши шарт. Яъни, мазкур модда талаби бўйича иш ҳақидан ушлаб қолиш фақат ходимнинг ёзма равишдаги розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан бўлиши мумкин. Бу ҳолат коммунал хизмат ҳақидан бўлган қарздорлик масаласига ҳам тааллуқлидир. Қолаверса, коммунал хизмат кўрсатишга оид шартнома шартларининг бажарилиши юзасидан жавобгарлик хизмат кўрсатувчи корхона, муассаса, ташкилот ва миқозининг, яъни шартнома тарафлари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2011 йил 23 ноябрь кунги 174-сонли буйруғига мувофиқ, автотранспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишда энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридан тўлов ўндирилади.

## Дарс ўтиши мумкинми?

Мактаб директори лавозимда ишлаб келаётган шахс раҳбар ходим сифатида, дарс ўтиб туришга ҳақимми? Касаллик ёки бошқа сабабларга кўра, ишла бўлмаган ходимнинг дарс соатларини бошқасига вақтинча бериш мумкинми? Мумкин бўлса, неча соатини?

З.Жаббаров,  
Янгийўл тумани

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "Халқ таълими ходимлари меҳнатидаги ҳақ тўлаш тўғрисида"ги Низомда белгиланишича, халқ таълими муассасасининг раҳ-

бар ходими томонидан асосий лавозимнинг бир ҳафтада 10 соатгача ҳажмда ўқитувчи лавозими билан қўшиб олиб борилишига (ўқув юктамаси юритилишига) йўл қўйилади. Алоҳида ҳолларда халқ таълими муассасаларида ходим-

нинг розилиги билан касблар (лавозимлар)ни бирга қўшиб олиб боришга, шунингдек, ўзининг асосий иши билан биргалликда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажаришга йўл қўйилади. Бунда лавозимларни бирга қўшиб олиб бериш бўйича иш вақтининг жами давом этиши мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган жами иш вақтининг 50 фоизидан, яъни йил мобайнида 774 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

## Иш ҳақи тўланадими?

Биз 2011 йилнинг 18 май кунини МКнинг 100-моддасига мувофиқ ишдан четлаштирилган эдик. Аммо иш бевучи ва каарлар бўлими мудир инспектори ҳеч бир сабабсиз ҳозирга қадар меҳнат дафтарчаларимизни бермасдан келишим. Ҳатто, вилоят фуқаролик суди ҳам меҳнат дафтарчаларимизни олиб беролмади. Нихоят, шу йилнинг 30 март кунини меҳнат дафтарчаларимиз янги тайинланган мудир томонидан алоқа бўлими орқали юборилди. Шу пайтга қадар бўлган иш ҳақларимизни тўлаб беришлари керакми? Ҳаризли мақсалларда меҳнат дафтарчаларимизни бермасдан келган мансабдор шахсларга нисбатан қандай чоралар кўрилади?

Д.Чўқаров, М.Шердонаева,  
Музработ тумани

Амалдаги Меҳнат кодексининг 107-моддаси 2-қисми талабига кўра, охириги иш кунини меҳнат шартномаси бекор қилинган кун, деб ҳисобланади. МКнинг 108-моддасида айтилишича, меҳнат шартномаси бекор қилинган кунини иш бевучи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йилнинг 29 январда рўйхатга олинган "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Ўйриқнома билан ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, мазкур Ўйриқноманинг 3.1-бандида меҳнат шартномаси бекор қилинган кунини иш бевучи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт, дейилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган кунини иш бевучи, масалан, икки ҳолда ҳужжатларни бермаслиги мумкин:

агар ходим ишда бўлмаса, яъни ҳужжатларни унга беришнинг иложи бўлмаса;

ходим ҳужжатларни олишдан бош тортса.

Иш бевучининг айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади. Бундай ҳолда, ишдан бўшаш кунини, меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади. Ишдан бўшаш кунининг янги санаси тўғрисида буйруқ берилиб, ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади. Бўшаш кун тўғрисида илгари киритилган ёзув, белгиланган тартибда бекор қилинади.

Мазкур ҳолат юзасидан жавобгарлик масаласига тўхталандиган бўлса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасида белгиланишича, мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос  
Дониёр ХАЛИЛОВ  
жавоб берди.

# Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ўтган йигирма йиллик мустақил тараққиёти давомида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида оламшумул ютуқларни қўлга киритган, миллий давлатчилиги асосларини мустаҳкамлаб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади ва айтиш мумкинки, том маънодаги озода ва суверен мамлакатга айланган.

Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида сўзлаган маърузасида Ватанимиз, халқимизнинг ана шу тарихан қисқа бир даврда эришган улкан ютуқ ва марраларни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб берилди.

Маълумки, ҳаёт доимо ўзгариб, тараққий этиб бораверади. Айниқса, дунёда глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган бир вазиятда, жаҳонда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида биз эгаллаб турган ўрнимизни холисон ва танқидий баҳолашимиз, давр талаби билан ўзаро ҳамнафас, ҳамқадам бўлиб, янада ривожланиб бораверишимиз шарт.

Шу боис, биз ўз тараққиётимиз жараёнида, деб таъкидлайди Президент Исом Каримов, бир ерда тўхтаб қолмай, доимо юксалиб боришимиз, жаҳон иқтисодиётининг тараққиёти ва инқирозини олдиндан кўра билиш, уни ҳар томонлама чуқур таҳлил ва тасаввур қилиш, бу йўлда аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат сифатида фаолият қилмоғимиз зарур.

Шу муносабат билан Юртбошимиз ўз маърузасида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ҳаётига оид энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалий тақлиф ва ғояларни илгари сурди.

Концепциянинг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишига оид йўналишда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, фуқароларнинг адолатли суд мухокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали таъминлаш масалаларига алоҳида эъти-

бор қаратилган. Хусусан, судга қадар иш юритув босқичида қўлланилган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши ҳақидаги таклифнинг илгари сурилиши шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартриш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклаш нозарида тутадиган норманинг ўрнатилиши ҳам Концепцияда тақлиф этилган. Бу суд мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, оид судлов тамойилларини ривожлантириш ва энг муҳими, жиноят процессида ўзаро тортишув принципининг самарали қўлланилишини кенгайтиришга қаратилган ислохотларнинг бугунги босқичи талабларидан келиб чиқади.

Суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг манъикий давоми сифатида Концепцияда суднинг жиноят ишини қўзғатишга доир ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан чиқариш ҳақидаги таклиф илгари сурилди.

Маълумки, жиноят ишини қўзғатиш аввало суриштирув ва дастлабки тергов органлари, жиноий таъбиқни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифасидир. Суддан эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини ҳолис баҳолаш талаб этилади. Бироқ, ҳозирги пайт-

да суд томонидан жиноят ишини қўзғатиш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши моҳиятан жиноий таъқибнинг ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларнинг бошланишидир. Бу эса судни жиноий таъқиб иштирокчилари тоифасига киритиб қўяди. Бундай амалиёт суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш тамойилига мос келмайди.

Шунингдек, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"га кўра, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда. Шу боис, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 34-моддаси 2-қисмидаги "тиббий йўсундаги мажбурият чораларини қўллаш ҳақидаги қарорни" деган жумлаи чиқариб ташлаш керак. Ушбу киритиладиган ўзгариш тиббий йўсундаги мажбурият чорасини қўллашга оид масалалар фақатгина суд томонидан қўлланилишини ифода-лайди.

Шу билан бир қаторда, Юртбошимиз томонидан лавозимдан четлаштиришга оид мажбурият чораларини ҳам фақатгина суд томонидан қўллаш лозимлиги белгилаб берилди. Албатта, мажбурият чораларини қўллаш оид киритилаётган бу ўзгаришлар юртимиз қонунчилигида "Хабес корпус" акти таъбиқ этилганлигидан далолат беради. Ҳақиқат, шахснинг ҳар қандай ҳуқуқини чеклаш фақатгина суд тартибиде амалга оширилиши инсон ҳуқуқларини таъминловчи халқаро ҳужжатларнинг асосий талаби ҳамдир.

Ана шу жиҳатдан ушбу вазифани ҳам амалга таъбиқ этиш юзасидан Жиноят-процессуал кодексининг 29-боби 256-моддаси ҳамда 31-боби 266-моддасига қўйиладиган таҳрирда ўзгариштириш киритиш лозим:

ЖПК 29-боб 256-модда. Айбланувчини, судланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги ажрим.

Айбланувчини, судланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисида тўхтамага келган, прокурор бу ҳақда судга илтимоснома киритади, суд эса ажрим чиқаради.

Айбланувчини, судланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, агар ишда қатнашаётган бўлса ҳимоячи, айбланувчи ёки судланувчи иштирокида кўриб чиқилади.

Ажримда: лавозимдан четлаштириладиган шахс; унинг иш жойи; лавозимдан четлаштириш асослари; айбланувчини, судланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисида қорхона, муассаса, ташкилотнинг ваколатли раҳбарига қаратилган талаб кўрсатилган бўлиши лозим.

Айбланувчини, судланувчини лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги ажрим қорхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, у ажримни олгач, уни зудлик билан икдро этиши ва айбланувчини, судланувчини лавозимдан четлаштириш ҳақида ажрим чиқарган судга бу ҳақда хабар бериши шарт.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 31-боби 266-моддаси "Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ажрим" деб номланиб, қуйидаги таҳрирда баён этилиши лозим:

"Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш прокурорнинг шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномасига асосан суднинг ажрими билан амалга оширилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги ажримда: тиббий муассасага жойлаштирилмаган шахс ва унинг процессуал мавқеи; шахс жойлаштирилмаган тиббий муассасани номи; зарур бўлганда шахсни шу муассасага олиб бориш тўғрисидаги фармойиш; эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор ёки ажрим акс эттирилади.

Шахсни тиббий муассасага

К.ИБРОХИМОВ,  
Бош прокуратуранинг  
ОЎК тингловчиси

жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юриштирилмаган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, агар ишда қатнашаётган бўлса ҳимоячи, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида кўриб чиқилади".

Шунингдек, суд мажлисига тайёрлов қисмида айблов ҳулосасини прокурор ёки унинг илтимосига кўра, жамоат айбловчиси томонидан ўқиб эшиттирилса, мақсадга мувофиқ бўлишини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 439-моддасига ўзгартриш киритилиши керак. Бунинг учун, ушбу модданинг иккинчи "Суд тергови айблов ҳулосасини ўқиб эшиттиришдан бошланади" деган жумласи, "Суд тергови айблов ҳулосасини прокурор томонидан ўқиб эшиттиришдан бошланади" деган жумла билан алмаштирилиши лозим.

Қонунчиликка ўзгартриш киритиш юзасидан берилмаётган бу тақлифларни амалга таъбиқ этилиши, албатта, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашни кафолатлашга хизмат қилади.

## Бола ҳуқуқлари — давлат ҳимоясида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра, она жамиятининг асосий бўлини ҳисобланади ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Бундан келиб чиққан ҳолда 1998 йил 1 сентябрда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси оилани мустаҳкамлаш, вояга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари манфаатларини қўриқлашнинг устунигини назарда тутди.

Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларнинг судлар томонидан тўғри ҳал этилиши ота-оналар ва болалар ҳуқуқларининг муҳофазасини, ота-оналарнинг болаларини тарбиялашдаги масъулиятлари оширилишини таъминлашга имконият туғдириб, вояга етмаганлар қонунбузарликларини олдини олиш чораларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган: боланинг бошқа-бошқа турган ота-онадан қайси бири билан бирга яшаши; бошқа шахсларнинг тарбиясида бўлган болаларни ота-онасига қайтариш; ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ёки ота-оналик ҳуқуқини тиклаш; ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этмасдан болаларни олиш; боланинг ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она билан қўришиши; ота-оналик ҳуқуқини чеклашни бекор қилиш; фарзандлик олишни бекор қилиш ёки уни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ва бошқа низолар судда кўриб чиқилиши мумкин.

Мисолларга мурожаат қилсак: Оҳангарон шаҳар прокурори жаобгарлар Марина Соловьёва ва Оҳангарон шаҳар ҳокимиятига нисбатан фарзандликка олишни бекор қилиш ва болани дав-

лат тарбия муассасига жойлаштириш ҳақида давво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Судда аниқланишича, М.Соловьёва Оҳангарон шаҳар ҳокимининг 2003 йил 15 июлдаги қарорига кўра, вояга етмаган В.Галактионовни фарзандликка олган. Бироқ, боланинг тарбияси билан шуғулланмай, қаровсиз қолдирганилиги оқибатида В.Галактионов бир неча ой ўқишга бормай, кўчада тиланчилик қилиб юрган. Суднинг ҳал қилув қарори билан В.Галактионов М.Соловьёванинг тарбиясидан олиниб, давлат тарбия муассасасига жойлаштирилган.

Суд бошқа-бошқа турадиган ота-оналар уртасида улардан қайси бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал этишда Оила кодексининг 71-моддасида белги-ланган ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглигига асосланган ҳолда, вояга етмаган болаларнинг манфаатларига ва хоҳишларига мос келадиган ҳал қилув қарори чиқариши лозим. Бунда суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳоли устуниги болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини назарда олган ҳолда, болани ота-онадан, ака-ука, опа-сингилла-

Ахмет АХМЕДОВ,

Тошкент вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи

ридан қайси бирига боғланиб қолганлиги, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ гамхўрлик қўришаётганлиги, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатлари, болани тарбиялаш ва унинг камоли учун шарт-шароитлар яратиш имкониятини эътиборга олади.

Шунингдек, суд 10 ёшга тўлган боланинг ота-онадан қайси бири билан яшаш истаги борлигини ҳам эътиборга олиши мумкин.

Оила кодексининг 80-моддасига мувофиқ, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибиде амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) давросига биноан қўрилади.

Туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари ҳузуридида вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссияларга, республикада амалда бўлган ушбу комиссиялар тўғрисидаги Низомда назар-

да тутилган тартибда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган.

Ота-она (улардан бири) Оила кодексининг 79-моддасига биноан, ота-оналик ҳуқуқидан ўзларининг айбли ҳулқ-атворига кўра, агар улар ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, ўзриси сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, ўқув-тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш муассасалардан олишдан бош тортса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалалар бўлса, мутасил ичкикибозлик ёки гиевхандликка мубтало бўлган бўлса, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Боланинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота-она томонидан қасддан жиноят содир қилиш жамият учун ҳам хавфли ҳисобланади. Бундай асосларга кўра, ота (она)ни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга фақат суднинг ҳукми бўлгандагина йўл қўйилади.

Шунингдек, Оила кодексининг 96-моддасига кўра, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки бўйруғига асосан алимент ундирилади.

# Ташқи иқтисодий фаолият қонун ҳимоясида

Ватанимизда мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуслари билан қўлай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламадаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди. Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиётига 100 миллиард доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллиард доллардан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маблағлари ташкил этади. Аммо, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, мамлакатимизнинг мавжуд салоҳиятига, табиий заҳираларнинг мўлқўлигига, қўлай инвестиция муҳити яратилганлигига қарамай, бу ҳол хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жойлаштириш борасида етарли даражада эмас.

Хозирги кунда республика- мизда инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш борасида босқичма-босқич изчил сиёсат олиб борилмоқда. Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган, шу жумладан, чет эл инвесторларини жалб қилиш ва ҳимоялаш, валюта жиҳатидан тартибга солиш, солиқ, чет эл инвестицияси бўлган корхона- ларни барпо этиш ва рўйхатга олиш масалаларига доир бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хориж инвесторлар фаолиятининг ишончли кафолат- ланишини таъминлаш учун ҳуқуқий меъёрлар яна ҳам ривожлантириб борилмоқда.

1994 йилнинг 5 майида Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари ва чет эл инвесторлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги янги Қонунни қўғга кирди. Бу қонун чет эл инвестицияларини ҳимоялашнинг илгариги қонунда кўзда тутилган кафолатларини фақатгина мустаҳкамлаб қолмасдан, балки бир қатор ҳолларда уларни кучайтирди. 1996 йилнинг ўртасида қабул қилинган "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонун шу тоифадаги зоналарга инвестицияла- шнинг асосий ҳуқуқий доирасини шакллантирди. Буларнинг барчаси ташқи иқтисодий фаолиятни, хорижий инвестицияларни жалб қилиш- ни, хорижий шериклар билан ҳам- корликни мустаҳкамлаш ва ривож- лантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Чет эл инвестицияларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабат- ларнинг ўзига хос хусусиятлари чет эл инвестициялари тўғрисидаги, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқа қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Бундан ташқари, мамлакат иқти- содиётига хорижий инвестициялар- нинг кириб келишини таъминлаш мақсадида 2005 йилнинг апрелида "Иқтисодиётга хусусий хорижий ин- вестицияларни жалб қилишни рағ- батлантириш тўғрисида"ги, июль ойида ташқи иқтисодий алоқалар- нинг янада ривожланишини таъмин- лаш мақсадида "Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвести- цияларни жалб қилишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғри- сида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари қабул қилинди. Уларда ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш, хо- рижий инвестицияларни жалб

қилишни фаоллаштириш, хорижий инвесторлар учун мустаҳкам кафо- латларни таъминлаш, ташқи савдо- ни янада эркинлаштириш, миллий ишлаб чиқарувчилар ва чет эл фир- малари ўртасида узоқ муддатли ҳам- корлик муносабатларини шакллан- тириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, миллий иқтисо- диётни таркибий қайта қуришнинг ҳозирги босқичида ташқи иқтисо- дий фаолият соҳасини ривожланти- ришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, 2005 йилнинг 11 ап- релида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағ- батлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фар- мон бунинг яққол далилидир. Фар- монга биноан, 2005 йилнинг 1 июли- дан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб эта- диган корхоналар қуйидаги солиқ ва мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилди:

- асосий фаолияти бўйича даро- мад (фойда) солиғи;
- мулк солиғи;
- ижтимоий инфратузилмани ри- вожлантириш ва худудларни обод- донлаштириш солиғи;
- экология солиғи;
- микрофирма ва кичик корхона- лар учун белгиланган ягона солиқ;
- Республика йўл жамғармасига ажратма.

Бозор иқтисодиёти тўлиқ қарор топганича, инвестициялар учун солиқ ва боғхона тўловларини ка- майтириш, иқтисоднинг кўп меҳнат талаб қиладиган секторлари, шу билан бир вақтда бандлик муаммоси- ни ҳал этувчи янги лойиҳаларга хорижий инвестицияларни йўнал- тиришни рағбатлантиришдан тўлиқ фойдаланиш талаб қилинади. Инвес- тижиялашда катта капитал талаб қиладиган ва илмий янгиликлар яратиладиган тармоқларнинг янги лойиҳаларига жойлаштирилиши ус- тувор аҳамиятга эга.

Хорижий инвестициялар жалб этилишининг амалдаги белгиланган шартларини айрим мамлакат ва му- айян инвесторлар учун халқаро ке- лишувлар билан мувофиқлаштириш зарур. Бунда ечилмаган масалалар- га боғлиқ равишда қўшимча имти- ёзлар яратиш ва рағбатлантиришни йўлга қўйиш талаб этилади. Хори- жий инвестицияларни қабул қилув- чи мамлакат ўз экспортининг им- портдан устунлигига эришиши ло- зим. Бу билан уларнинг кредит тар- зида жалб этилиши ва ўз имкони- ятларидан ортиқ даражада истеъмол этишининг олдини олиш мақсади кўзланади.

Ўзбекистонда хорижий инвести- цияларни жалб этиш бўйича етар- ли даражада имтиёз ва рағбатлар тизими яратилган. Ўзбекистон Рес- публикасининг 2000 йил 26 майда янги таҳрирда қабул қилинган "Таш-

Дилшод ФАЙЗИЕВ,

Бош прокуратуранинг ОУК тингловчиси

қи иқтисодий фаолият тўғрисида" - ги Қонуни бу борадаги энг муҳим қонун ҳужжати саналади.

Ушбу қонун ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди. Ушбу қонуннинг асосий ва- зифалари ташқи иқтисодий фаолият- ни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавф- сизлигини таъминлаш, унинг иқти- содий суверенитети ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, мил- лий иқтисодиёт ривожини рағбат- лантириш, мамлакат иқтисодиёти- нинг жаҳон иқтисодий тизимига ин- теграциялашуви учун шарт-шароит- лар яратишдан иборатдир.

Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро таш- қилотлар билан ўзаро фойдали иқти- содий алоқаларни ўрнатиш ва ри- вожлантиришга қаратилган фаолият тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида рўй- хатга олинган юридик шахслар, шу- нингдек, Ўзбекистон Республикаси- нинг ҳудудда доимий яшаш жойи- га эга бўлган ва яққа тартибдаги тад- биркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақли- дир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари, агар қонун ҳуж- жатларида бошқача қоида белгилан- маган бўлса, ташқи иқтисодий фао- лиятни амалга оширишлари мум- кин.

Қонун нормаларига мувофиқ, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Респуб- ликасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ушбу қонунда белгиланган ҳуқуқларини бузувчи ҳужжатлар қабул қилган тақ- дирда, уларга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади. Қонуннинг 19-моддаси- га мувофиқ, Ўзбекистон Республи- каси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ташқи иқтисодий фаолиятни тар- тибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг 2011 йил 10 ноябр- даги "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин- ликлари, жамият ва давлат манфаат- ларини ҳимоя қилиш юзасидан про- курадорлик фаолияти самардорлиги- ни янада ошириш тўғрисида"ги 94- сонли буйруғида прокурадорлик назо- ратини амалга оширишда Ташқи иқтисодий фаолиятга доир қонунлар ижроси устидан прокурадор назорати самардорлигини ошириш йўли билан ҳўжалик йорутувчи субъектлар ва давлат манфаатларига зарар етказма- ган ҳолда чет эл инвесторлари ҳу- қуқларини ҳимоялашни таъминлаш вазифаси қўйилган.

Бу борада олиб борилаётган из- чил тадбирларнинг барчаси мамла- катимиз фаровонлигини ҳамда халқ- имиз турмушини янада оширишга хизмат қиладди.

# Алоҳида эътибор қаратилган

Алишер ХОЛОВ,

Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Консти- туциясининг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғини- дир ҳамда жамият ва давлат муҳофазаси- да бўлиш ҳуқуқига эга" эканлиги белги- лаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодек- сининг 73-моддасига қўра, ота-она ўз бо- лаларини тарбияси ва камолати учун жа- вобгардир.

Ўз ота-оналик ҳуқуқини болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амал- га ошираётган ота-она қонунда белгилан- ган тартибда жавобгар бўлади.

Навоий вилоят прокуратураси органла- ри томонидан Оила кодекси ҳамда Рес- публика Бош прокуратурининг соҳавий буй- руғи талабларидан келиб чиқиб, судлар- да вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

2011 йилда фуқаролик ишлари бўйи- ча Навоий вилоят судларида вояга етма- ганлар манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ 541 та ишлар қўрилиб, уларнинг 414 таси ёки 76 фоизидан прокурор иш- тироки таъминланган.

Прокурорлар томонидан судларга воя- га етмаганлар манфаатлари ҳимоясига оид 38 та даъво аризалари киритилиб, барча- си қаноатлантирилган.

2011 йилда апелляция ва кассация инстанцияларига бекор қилинган ёки ўзгартирилган 3 та суд қарорларининг бар-часи прокурор протестларига асосан қонунга мувофиқлаштирилган.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди томонидан даъвогар У.Азимовнинг жавобгар Ш.Ази- мовага нисбатан бола тарбияси билан боғлиқ даъво аризасини судда қўрилиши- да Оила кодексининг 88-моддаси тала- бидаги риоя қилинмасдан, ишни қўришда васийлик ва ҳомийлик органи иштироки таъминланмаганлиги учун суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан кассация протес- ти келтирилган.

Бундан ташқари, ушбу тоифадаги фу- қаролик ишлари судда қўрилишида аниқ- ланган қўпол қонунбузарликлар юзасидан 2 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чо- ралар қўрилиши таъминланди.

Хусусан, даъвогар Ҳ.Бозоровнинг жа- вобгарлар Р.Тешаева ва Қизилтепа туман ҳокимлигига нисбатан фарзандликка олиш ҳақидаги туман ҳокимининг қаро-рини бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича тўпланган фуқаролик иши ўрганилганда жавобгарлар томони- дан қонунбузарликлар содир этилганли- ги аниқланган.

Яъни, Р.Тешаева туман ҳокимлиги масъул ходими билан жиноий тил бирик- тириш, бовқувисини йўқотганлик бўйича нафақа пули олиш мақсадида 2005 йил- да туғилган набираси М.Муҳиддиновани фарзандликка олганлиги тўғрисидаги ту- ман ҳокимининг 2005 йил 3 августдаги қарори асосида унинг исм-шарифини ўзгартириб, сохта ҳужжатлар асосида 2007 йилнинг январь ойидан 2011 йилнинг июль ойига қадар жами 7 млн. 449 минг 600 сумни фирибгарлик йўли билан қўлга ки- ритиб, ўз манфаати учун ишлатиб келган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодек- сининг тегишли моддалари билан жино- ят иши қўзғатилиб, суднинг ҳукми билан айбдорларга нисбатан жазо муқаррарли- ги таъминланган.

Жорий йилда ҳам мазкур йўналишда тегишли чора-тадбирлар белгиланга, иж- роси таъминланиб келинмоқда.

# Маънавий зарар тушунчаси

## ва унинг ҳуқуқий табиати

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонунчилигида маънавий зарарни ундириш институтининг ташкил тоғанига унча узоқ бўлмаса-да, амалда фуқаролар томонидан етказилган маънавий зарарни ундиришни суд тартибда талаб қилишга қаратилган ҳаракатлар кўпайиб учрайди. Ҳозирги кунда ушбу ҳуқуқий институт жамиятнинг асосий талабларидан бирига айланди.

**М**аънавий зарарни қоплаш тушунчаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида 90-йилларнинг ўрталарида киритилди, лекин шуни таъкидлаш лозимки, бу атама юридик лугатда ундан олдин ҳам мавжуд бўлган. 1953 йилги "Юридик лугат" да номулкий ёхуд бошқача қилиб айтганда, маънавий зарарнинг пул шаклида қопланиши совет фуқаросининг кадр-қимматининг камситилиши сифатида эътироф этилган ҳамда мавжуд қонунчилик бунга йўл қўймаган. Ушбу лугат чоп этилгандан сўнг 30 йил ўтган ҳам ушбу позиция ўзгаришсиз қолаверди. Ҳаттоки, ушбу даврнинг етук ҳуқуқшунос олимлари маънавий зарарнинг иқтисодий характерга эга эмаслигини ва моддий жиҳатдан қопланишига тегишли эмаслигини таъкидлаб ўтишган.

Айтиш жоизки, вақт ўтган сари маънавий зарар билан боғлиқ айрим атамалар у ёки бу кўринишда иттифоқ қонунларида ҳам секин-асталик билан намоён бўла бошлади. Хусусан, Иттифоқ ва иттифоқдош республикалар жиноят судлов ишларини юритиш Асосларининг 24-моддасига кўра, жабрланувчи деб жиноят натижасида маънавий, жисмоний ва мулкий зарар кўрган шахс ҳисобланиши таъкидланса-да, жабрланувчига етказилган маънавий зарар ва ундириш юзасидан ҳеч қандай ҳуқуқий норма белгиланмаган эди. Фуқароларнинг маънавий зарарни ундиришга оид ҳуқуқи 1990 йил 12 июнда қабул қилинган "Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги собиқ иттифоқ қонунда биринчи маротаба ўзифодасини топди. Бу эса маънавий зарар учун тўлов ундиришга оид тушунчаларнинг кенг жамоатчилик онги-

га кириб келишига дастлаб-ки туртки бўлди.

Фуқарога етказилган маънавий зарар (жисмоний ва маънавий азоблар) учун ундирувчи моддий шаклда амалга ошириш билан боғлиқ норма қонунчилигида 1991 йил 31 майда Иттифоқ ва иттифоқдош республикалар фуқаролик қонунчилиги Асосларининг қабул қилиниши муносабати билан кириб келди. Мазкур Асосларнинг 131-моддасида маънавий зарарни ундиришга оид ҳуқуқий норма ўзифодасини топган бўлиб, унда биринчи марта маънавий зарар тушунчаси, шартлари ва ундириш усулларини белгилаб беришга ҳаракат қилинган. Унга кўра, маънавий зарар фуқарога етказилган жисмоний ёки руҳий азоблар эканлиги эътироф этилди. Маънавий зарар пул ёки бошқа моддий шаклда ва мулкий зарардан қатъи назар, суд томонидан аниқланган миқдорда қопланиши назарда тутилди.

Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси амалга киритилгунига қадар, яъни 1997 йилнинг 1 мартига қадар амал қилиб келган. Фуқаролик кодексида маънавий зарарни ундиришга доир янги ҳуқуқий нормалар киритилдики, унда маънавий зарарни қоплашга доир умумий қоидалар, зарарни қоплаш усули ва миқдори ўзифодасини топди. Таъкидлаш жоизки, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг янги тури сифатида маънавий зарарни қоплаш бўйича жавобгарлик мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан сўнг фуқаролик қонунчилигига киритилган янги норма бўлиб, ушбу институти татбиқ этиш, аввало, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ҳуқуқ ва эркинлик-

ларини қўшимча тарзда қароқотлаш зарурати туфайли вужудга келган эди.

Мустақил Ўзбекистон қонунчилигида биринчи маротаба ўзифодасини топган маънавий зарарни қоплашга доир ҳуқуқий нормада маънавий зарар жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азоблардан иборат эканлиги эътироф этилди (ФКнинг 1022-моддаси). Шунингдек, маънавий зарарни қоплашга қаратилган ҳуқуқий нормалар турли вақтларда кучга кирган қатор қонунларда ҳам ўзифодасини топди. Хусусан, 1996 йил 1 апрелдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 112, 272-моддаси, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 115-моддаси, 1998 йил 29 августда қабул қилинган "Автомобиль транспорт тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддаси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 115-моддаси шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида собиқ иттифоқ қонунларида фарқли равишда маънавий зарарни ундириш масалаларига ўзига хос тарзда ёндашилган ва бошқача нуқтаи назарлар билдирилган. Хусусан, агар маънавий зарар фуқарога унга тегишли бўлган номулкий ҳуқуқларни қасддан бузиш орқали етказилса, у ҳолда маънавий зарар бошқа қонунларда махсус кўрсатилган ёки кўрсатилмаган бўлишидан қатъи назар ундирилади. Ушбу ҳолатда маънавий зарарни ундириш учун Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги

қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Қарори маънавий зарар борасидаги муаммоларга ойдинлик киритди. Унга кўра, маънавий зарар деганда жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунлади.

Амалдаги қонунга кўра (ФК 1021-моддаси) маънавий зарар етказганлик учун жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлувчи шартлардан бири зарар етказувчининг айби бўлиши ҳисобланади. Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Демак, мамлакатимиз қонунчилигида маънавий зарарни қоплаш институти жамиятда вужудга келган инсон эҳтиёжларини қаноатлантирувчи восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Яъни у Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қаноатлантирувчи воситалардан бирига айланди.

Кўп ҳолатларда маънавий зарар моддий зарар билан бир вақтда юзага келади. Ушбу ҳолатларда моддий зарар каби маънавий зарар ҳам ҳар қандай кўринишда бўлмасин қопланиши лозим. Лекин айрим қонунларда маънавий зарарни қоплаш масаласида чекловлар мавжуд бўлиб, кўпинча суд моддий зарарни ундириш экан, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талабларни қаноатлантиришни рад этади.

Мазкур институтнинг ҳозирги кунда муҳим ва зарурлигини бир қатор ҳуқуқий адабиётлар ва журналларда чоп этилаётган, шу масалага бағишланган илмий-назарий мақолалардан ҳам англашимиз

Кахрамон ХОДЖАЕВ,  
Бош прокуратуранинг  
ОЎК тингловчиси

мумкин. Лекин қонунларимизда мутахассислар томонидан ҳали ёритилмаган айрим масалалар мавжуд бўлиб, жумладан:

Фуқароларнинг мулкий ҳуқуқлари бузилганида етказилган маънавий зарарни қоплаш ва унинг миқдорини белгилаш;

юридик шахсларга, учинчи шахсга ва бошқаларга етказилган маънавий зарар миқдорини аниқлашда алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиш масалаларини айтиб ўтиш мумкин.

Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларда тарафларнинг ўзаро келишув битими тузиш орқали ишни тугатишлари муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида мамлакатимиз қонун ҳужжатларида маънавий зарар миқдорини аниқлашнинг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги мазкур тоифадаги ишларда иштирок этувчи тарафларга маънавий зарар миқдори юзасидан ўзаро келишиларнинг нақадар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси ФПКга "Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларни судда кўриш хусусиятлари" деб номланган алоҳида боб киритилиб, унда ушбу тоифадаги ишлар учун махсус процессуал хусусиятларни назарда тутувчи нормалар белгиланиши, хусусан, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича суд тарафларни келиштириш чораларини кўриш шартлиги ҳақидаги қоидалар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, мазкур бобда маънавий зарарни аниқлаш мақсадида психологик, тиббий ёки психиатрик экспертизалар ўтказилиши ҳам назарда тутилиши лозим.

# Тадбиркорлик қонун ҳимоясида

Хоразм вилоят прокуратураси томонидан вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда уюштирилган йилги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг долзарб вазифаларига бағишланди. Унда шахар ва туман ҳокимлари, ҳоким ўринбосарлари, шахар ва туман прокурорлари, прокурор ёрдамчилари, вилоят давлат бошқарув ва назорат текширув идоралари раҳбарлари, қўшма корхона вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этишди.

Йилги ишларни вилоят ҳокими вазифини бажарувчи Пўлат Бобожонов олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи Ислам Жасимов маъруза қилди.

Маърузачи тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилган ишларни чўқур таҳлил қилиб, келгусидаги вазифаларга тўхталар экан, Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик ва тадбиркорлик субъектларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини ҳамда

уларни ривожлантиришни рағбатлантиришни янада кучайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси ҳамда Республика Бош прокуратурининг соҳавий бўйруғи юзасидан олиб борилаётган назорат фаолияти ва бу борада жойлардаги давлат ҳокимияти ҳамда бошқа идоралар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар хусусида гапирди.

Ҳозирда вилоятда 9 минг 843 та кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. Уларнинг 1 минг 904 таси саноат, 1 минг 573 таси қишлоқ ҳўжалиги, 369 таси транспорт ва алоқа, 919 таси қурилиш, 2 минг 870 таси савдо ва умумий овқатланиш, 2 минг 208 таси эса бошқа тоифадаги корхоналардир. Йилги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 155,5 млрд. сўм ажратилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ажратилган кредитлар миқдори эса 44 млрд. сўмдан зиёдни ташкил этган.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан 2011 йилда 217 млрд. сўмлик саноат, 36 млрд. сўмлик истеъмол, 142 млрд. сўмлик қишлоқ ҳўжалик махсу-

ектлари рўйхатга олинган. Уларнинг 1 минг 904 таси саноат, 1 минг 573 таси қишлоқ ҳўжалиги, 369 таси транспорт ва алоқа, 919 таси қурилиш, 2 минг 870 таси савдо ва умумий овқатланиш, 2 минг 208 таси эса бошқа тоифадаги корхоналардир. Йилги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 155,5 млрд. сўм ажратилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ажратилган кредитлар миқдори эса 44 млрд. сўмдан зиёдни ташкил этган.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан 2011 йилда 217 млрд. сўмлик саноат, 36 млрд. сўмлик истеъмол, 142 млрд. сўмлик қишлоқ ҳўжалик махсу-

Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,  
«Huquq»

лотлари ишлаб чиқарилган. 15 млн. АҚШ доллари миқдоридagi махсулотлар экспортга чиқарилган. Кичик бизнеснинг ялпи ички махсулот ишлаб чиқаришдаги улуши ўтган йили 74,1 фоизга етган.

Албатта, бу рақамлар вилоятда тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Бироқ бу хотиржамликка берилиш керак дегани эмас. Ҳали ички имкониятлар тўла сафарбар қилинаётгани йўқ. Демак, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп.

Мутасаддилар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди. Айрим тадбиркорлар уларни қийнаб келаётган муаммоларга шу ернинг ўзиде ечим топди.

Кўча-кўйда ҳайдовчилар билан гаплашгудек бўлсангиз, дарров йўлларнинг яроқсизлиги, йўлим-чуқурликлар боис уловлари носоз ҳолга келиб қолаётганидан ноиншаа. Бу табиий эътироз Чунки улар айтмасам ҳам кунда бу ҳолатга ўзимиз гувоҳ бўламиз. Ҳошо ошқора, ҳошо пинҳона йўлсозларга "ҳамду-санолар" ўқиймиз.

# Йўллар ва ўйлар

майти. Режа мuddатини тигиз белгилашади. Бу кетишда билмадим, охири нима бўларкин... — деди камхафсала киефада.

Тайинки, бу сўхбатдан унинг мuddаосини англаш қийин эди. Шунинг учун бошлиқнинг нима демокчи бўлаётганини тушулмаган шериклари жим тураверишни ўзларига эп кўрмай, ялтоқлиниди:

— Ҳа, энди... Сиздек бошлиқимиз бор экан, бунақа ишлар бизга нима бўпти?! Айтганча, янги "объект"да ремонтни бошлаш керак, нима қиламиз?

Улар "Исковот-Косонсой-Тўрақўрғон-Жомашўй" автомобиль йўлининг 62-83 километрида бажарилиши лозим бўлган таъмирлаш ишларига шама қилишаётганини сезган Ривожиддин Бўтабоев кўнгли-Дигони ошқор этишга жазм этди:

— Ажратилган маблагнинг барини сарфласак ҳам биров биздан миннатдор бўлмайди. Асфальт дегани бир марта ёғмас ёғса, дарров тусини ўзгартирадиган бўлса... Ундан кўра, шундай йўл тутайликки, ҳам ишлар юришсин, ҳам ҳамён қуруқ қолмасин!

Уша кунни оуволон "тил топишиб" олишди. Шунга кўра, 2011 йилнинг март ойида бошланган жорий таъмирлаш ишларида асфальтбетон қоримаси 5 см. қалинликда бўлиши лозимлигини билсаларда, бунга амал қилишмади. Ба-жарилган таъмирлаш ишлари кўлами 132м<sup>2</sup> ҳажми ташкил этгани ҳолда, расмий ҳужжатларга сохта ёзувлар киритиш орқали 312м<sup>2</sup> ҳажм қилиб кўрсатишди. Бу ҳам етмагандек, бош ҳисобчи ўрнига ҳам ўзлари жимжамдор қилиб имзо чекишди. Бу ўз "мева"-сини берди — ҳамкорларнинг ушбу "жонбозлик"лари ортдан 2 млн. 547 минг 169 сўм чўнтақларига тушди.

Шу ойнанг ўзида улар ик-

кинчи жиноий ҳаракатни амалга оширишди. Яъни, "Исковот-Косонсой-Тўрақўрғон-Жомашўй" автомобиль йўлининг 62-83 км қисмида бажарилган сақлаш ишларидан 2 млн. 133 минг сўмини, "Жомашўй шаҳарчасига кириш йўли" автомобиль йўлининг 0-4 км қисмида бажарилган сақлаш ишларидан 180 минг сўмини "иктисод" қилиб қолишди. Расмий ҳужжатларни эса юқоридаги каби "ими-жими"да тўғрилаб қўйишди.

Нафсини кўзлаган ҳар қандай раҳбар жамоани йўлдан, улар учун жон қойитишдан олдин ўзини, фақат ўзини уйлаш бор гап. Р.Бўтабоев ҳам бу иллатдан йироқ эмасди. У масъул мансабдор бўлгани ҳолда, лоқайдлик билан жамиятининг 2011 йил 1 сентябрь ҳолатига 110 млн. 399 минг сўмлик (шундан 31 млн. 566 минг сўмининг мuddати ўтган) дебитор қарздорликни ундириш чораларини кўрмади. Оқибатда, 135 нафар ишчи-ҳодимлар жами 60 млн. 426 минг сўмлик яш ҳақларини вақтида ололмай, уларнинг манфаатларига жиддий зиён етди.

Улошган гуруҳнинг эгриликлари ҳуқуқни муҳофизат қилиш органлари томонидан фош этилгач, суриштирув ва тергов ишлари давомида бу кимсаларнинг аввал ҳам жиноий ишларни амалга ошириб, ҳеч нима бўлмагандек бамайлихотир юришгани маълум бўлди.

2010 йил февраль ойдан "Шарқий" ХДААЙСИТФҚда автомат йўлларидан фойдаланиш тармогини ривожлантириш бўлими бош мутахассиси вазифасида ишлаб келган Акрам Махмудов Наманган тумани "Йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси" директори вазифасини бажарувчи Абдулазиз Мирғиязов ва корхонанинг 246-йўл бўлими бошлиғи Абдулла Ра-

жаббоев билан тил бириктирган ҳолда, "Наманган-Тошбулоқ-Шаҳанд қишлоғи" автомобиль йўлида 2010 йил март ойида бажарилган жорий таъмирлаш ишларидан 477 минг 600 сўмлик, апрель ойида 3 млн. 517 минг 900 сўмлик, шунингдек, "Наманган шаҳрига кириш" автомобиль йўлида бажарилган жорий таъмирлаш ишларидан 2010 йил март ойдан сентябрга қадар жами 8 млн. 495 минг 500 сўмлик иш аслида бажарилмаган бўлсада, ҳужжатларга қўшиб ёзиш орқали ушбу маблагларни ўзлаштиришга эришишди.

Ўз навбатида, ҳалол лўкма билан ҳаромнинг фарқига бормай қолган Абдулазиз Мирғиязов яна бир жиноий шериги — корхонанинг 245-йўл бўлими бошлиғи А.Ахбаров, "Наманган-навтойўл" ХЙФТ бош мутахассиси Одиложон Гафоров ҳамда Абдулла Ражаббоев билан ўзаро келишув асосида "Наманган шаҳар-Қорақўл қишлоғи-Чек қишлоғи-Хонобод қишлоғи" автомобиль йўлида бажарилган жорий таъмирлаш ишлари жараёнида 2010 йилнинг июнь ойида 1 млн. 756 минг сўмлик, сентябрь ойида 1 млн. 350 минг сўмлик, "Хонобод қишлоғи-Қиёт қишлоғи-Косонсой шағал қони" автомобиль йўлида 2010 йил июнь ойида 2 млн. 742 минг сўмлик, "Хонобод қишлоғи-Ирвадан қишлоғи-Электротерм заводиди-Миришқор қишлоғи" автомобиль йўлида 3 млн. 264 минг 500 сўмлик, "Наманган шаҳар-Шўрқўрғон қишлоғи-Тепакўрғон қишлоғи" автомобиль йўлида 5 млн. 48 минг сўмлик ва "Тўрақўрғон шаҳар-Тошбулоқ шаҳар-Гулдувров қишлоғи" автомобиль йўлида 3 млн. 786 минг 800 сўмлик аслида бажарилмаган ишларни расмий ҳужжатларга "бажарилди" шаклида расмийлаштириб, "чўнтак"-ка уришди. Энг ачинарлиси, юқорида санаб ўтилган йўллар



Худойберди ТУРСУНБЕКОВ, Наманган вилоят прокуратураси бўлим катта терговчиси Нилуфар НИЁЗОВА, «Нидо»

жуда таъмирталаб бўлиб, бу йўлдан қатновчи аҳоли айниқса, ёгин-сочинли қунарда турли қийинчиликларга дуч келади. Жигилдон бандларига эса бу муаммоларни кўра-била туриб, таъмирлаш учун ажратилган маблагнинг асосий қисминини, яъни жами 17 млн. 947 минг 800 сўмини ўзлаштиришдан уялмайди.

Ҳақиқат қарор топди. Ушбу кимсаларга нисбатан жиноят иши кўзғатилгач, етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланди. Шунингдек, суд муҳокамасидан сўнг судланувчиларнинг ҳар бири катта миқдорда жарима ва турли мuddатларга ахлоқ тузатиш иши жазосига тортилди.

Бугун юртимиз ривожланишнинг улкан марралари сари дадил одимлаб бормоқда. Шу билан бир қаторда, ободончилик, бунёдкорлик борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқдаки, уларнинг барчаси фақат халқимиз саодати ва фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз. Аммо айрим виждонсиз кимсаларнинг юқоридаги каби қилмишлари нур юзига қора соя солаётгани кишини ташвишга солади.

Аслида автомобиль йўллари кишиларининг узоғини яқин қилади. Бундан манфаат қидирувчилар эса, юзи шувут, эл ичида шармисор бўлади. Ушбу жиноят тафсилоти эса бунга ҳаётий бир мисолдир.

Ҳаётда инсоннинг энг хавфли душмани бу — унинг нафсимир. Шу боис, нафсим менинг балодир, ёнган ўтга соладир, деб бежиз айтилмаган. Бугунги «қаҳрамон»ларимиз ҳам балон нафс туфайли суанинг қора курсисига ўтиришди.

## Темир йўлдаги талончилар



Алишер ДОНИЁРОВ, Фаргона транспорт прокурори ўринбосари

2011 йилнинг 7 октябри. Кўкон шаҳрида яшовчи Азиз Эргашев ҳали вояга етмаган ўсмирлар О.Мирободов, И.Отақулов ва Я.Мелиқўзиёвларнинг қулони бирор-бир йўловчини тунаб, шу орқали тузукроқ ўлжани кўлга киритиш билан қўзидирди.

— Олма пиш, оғзимга туш, деб ўтирган билан биров бир сўм бермайди. Ҳаракат қилиш керак. Менинг галимга хўп десанглар, қўлларинг пул қўриб қолади, — дея уларни алдади Азиз.

У режасини шундай оғиз кўпиртириб тушинтирдики, учала йилгича унинг гапларига тезда лаққа тушишди. Шу сабабли кеч соат 19:00 ларда тўртовлон 6382-сонли "Наманган-Андижон-Кўкон" шаҳарлараро поездининг «Кўкон-2» темир йўл бекатига келишди. Орадан 10 дақиқача вақт ўтгач, поезд келиб тўхтади. Шунда ҳамтовоклар поезддан тушаётган йўловчиларни кўзата бошлашди. Йўловчилар орасида Кўкон транспорт касб-ҳунар коллежи талабалари И.Собиров, А.Мамажонов ва Ф.Абдурахимовлар ҳам бор эди. Азиз шерикларини бошлаб, уларнинг орқасидан эргашди. «Кўкон-2» ва «Кўкон-

1» темир йўл бекатлари оралигидаги ҳолироқ жойга боришганда эса талабаларни тўхтатиб, бор пуллари ва уяли телефонларини беришларини талаб қилди. Бирок И.Собиров, А.Мамажонов ва Ф.Абдурахимовлар ҳам бўш келмай, қаршилик кўрсатишди. Шунга қарамай, тўрт талончи талабаларни дўпсолоб, тан жароҳати етказишди. Сўнгра А.Мамажоновнинг елкасидаги сумкасини тортиб олиб, қочиб кетишди. Азизнинг уйига бориб, сумкани очишганда унда 2 та 144 минг сўмлик костюм шимлар, 1 дона 10 минг сўмлик оқ футболка ва бир дона 15 минг сўмлик жемфер бор эди, ҳолос. Бундан ҳафсаласи пир бўлган жиноятчилар сумкани кийим кечаклари билан воқеа жойига яқин ердаги темир йўл орасига ташлаб кетишди.

Бу пайтда жабранувчилар Кўкон Транспортдаги ички ишлар бўлимига хабар бериб улгуришганди. Шунинг учун тезкор суриштирув ҳаракатлари кўлга қўзилмай, жиноятчилар қўлга олинди. \*\*\*

Ҳар иккала ҳолат бўйича ҳам суд ўз ҳукмини ўқиди. Айбдорлар қонуний жазага тортилди. Ваҳоланки, улар нафсини жиловлаган инсоннинг қисмати шармандалик билан яқун топишини жуда яхши билишарди. Бирок энди кеч бўлганди.

## Олтин ёмби васвасаси

О.ГАЙПОВ,

СВОЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бўлими бўлим бошлиғи

Ҳамшаҳримиз Мирвасил Абидовнинг омади чопди: шундоқ уйи ёнида ердан олтин ёмби топиб олди. Асида воқеа қандай бўлганини фақат унинг ўзи билади, ҳарқалай у олтин ёмбининг тасодифан кўчадан топи олганини таъкиллайд.

Хуллас, оғирлиги 70,81 грамм, соф оғирлиги 67,26 граммга тенг олтин куймасини кўлига олган М.Абидов машҳур "Олтин девор" драмасидаги олтин топан чолларнинг ахволига тушмаган бўлсам, ҳоловатини йўқотгани бор гап. У қандай бўлмасин, бу топилмани яхшироқ нарҳда пуллаш ҳақида бош қотира бошлади. Касби заргар эмасми, бу топилма қанча пул туришини у жуда яхши билар эди.

М.Абидов тиллафуруш таниши Анар Багировни қидириб пойтахтимиздаги "Аския" бозорига боради ва сотиб бериш учун ёмбининг унга беради. А.Багиров эса олтин ёмбининг фўқара Х.га 3200 АҚШ долларига сотган вақтида Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Учтепа туман бўлими ҳодимлари томонидан воқеа жойида ушланади.

М.Абидов ва А.Багировлар бу қилмишлари билан Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўрисидаги"ги ҳамда "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунидаги зид иш тутишган.

Шунингдек, А.Багировга тегишли "Ласетти" русумли автомашина кўздан кечирилганда автомашина салонидан 2 дона металл куймаси: бири 320,31 грамм, иккинчиси 314,06 граммга тенг палладий ёмбиси топилган.

Бундан ташқари, М.Абидовнинг хонадонидида ўтказилган тинтув чоғида қалбаки проба урилган турли вазн ва қўрнинидаги тақинчоқлар, олтин ва қумуш парчалари (лом) топилган. Бу ашёвий далиллар М.Абидов уйда ноқонуний равишда қимматбаҳо металллардан заргарлик буюмлари ясаб, уларни давлат пробасини қалбакилаштирган ҳолда сотиб келганини тасдиқлайди.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг ҳукми билан А.Багиров ва М.Абидовлар тегишли жазоларини олишди.

Эзинг сўнги оғи. Уйнинг дарвозаси олдига, ишқомлаги қуёш нурларида товланаётган узумларга қараганча, завқланиб ўтирган Хотам ака қасир-қусур товушдан чўчиб кетди. Уша дамлаёқ, дарвозаси олдига келиб урилган "Дамас" машинаси ўзи ҳавас қилиб турган ток панжарасини йиқитиб, ҳовли деразасининг ойналарини ҳам синдирди.

## Ичкилик оқибати

Холмурод БАХРОНОВ,  
Шофиркон туман прокурори  
Дилноза УРИНОВА,  
журналист

Хам кўрқув, ҳам ҳаяжон ичида ўша томонга бориб, машинани кўздан кечира бошлади. Салонда ҳеч ким йўқ. Хайрон бўлганча, атрофга қараган эди, қишлоқ томон қочиб кетаётган кимсага кўзи тушди. Шу заҳоти унга қарама-қарши томондан югуриб келаётган кишининг овози эшитилди.

— Машинам, машинам абор бўлибди-ку! Ким эди у, танидингизми? — дея ҳаллослаганча югуриб келаётган одам кўшни қишлоқлик Анвар Камолов экан...

Шофиркон туман "Шўрбод" қишлоғида яшовчи А.Камолов 2011 йил 12 август кuni "Додбоғне" қишлоғига бориш учун ҳозирлик кўра бошлади. Уч кун илгари у ерлик қассобга сўйиб сотган мол гўштининг қолган пулини Зиёдулла қассобдан олган, ишга шунча пул билан бормаслик учун бир қисмини уйига қўйишга қарор қилди. Дарвозаси олдида "Дамас" машинасини тўхтати-ю, улфлашни хаёлига ҳам келтирмади. Ҳатто, эҳтиёт шарт, заҳира калитни олишни ҳам унутди. Ана шу эҳтиётсизлик унга қимматга тушди.

7-8 дақиқа ўтар-ўтмас уйдан чиқди-ю, машинасида ўтирган нотаниш кимсанни кўриб қолди. Анвар уни таниёлмай, қадамни тезлаштирди. Аммо улгурмади. "Дамас" зумда кўздан гойиб бўлди...

Шофиркон туманида яшовчи Фарҳод Шуқуров (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўша кuni сев-

ган қизи Зилола билан учрашишни мақсад қилган эди. "Дехқон" бозори яқинидаги дўконлардан бирига кириб, пиво олди. Ташқарига чиққанда бир танишини кўриб қолиб, у билан отамлашгиси келди. Икковлон шу ерда пивоҳўрлик қилишгандан сўнг Фарҳод йўловчи машинада "Шўрбод" қишлоғи томон учрашувга йўл олди.

Қишлоққа акин жойда машинадан тушиб, манзилга ошиқар экан, "Дамас" машинасига кўзи тушди. Ерининг олдида тез етиб боришни орзу қилган маст ошиқнинг бахтига машина эшиклари очик, калити ҳам ўзиде эди. У нима қилаётганини ўйлаб ҳам ўтирмай, моторни ўт олдирди-да, ҳайдаб кетди. Озроқ юрмасдан эса, бошқарувни йўқотди.

Машинаси ортидан югурган Анвар кишлоқни оралаб, уни олдидан кесиб чиқмоқчи бўлди. Аммо унга етолмай, орқасидан қараб қолди. Қишлоққа кириб келишганда эса, дарвозага урилган машинани кўрди...

Спиртли ичимлик — инсонни ақлидан айирадиган ва уни турли шайтоний йўлларга солади-ган, охир-оқибат фалокатга мубтало этадиган оғу. Эндигина 29 ёшга кирган Фарҳод ҳам ана шу оғунинг домига тушди.

## Қудачилик — минг йилчилик эмасми?

Ўша кунни "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамида Шарипов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) бир умр эсидан чиқармас керак.

Дилмурод УМАРАЛИЕВ,  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Хаммаси шу маҳаллада истиқомат қилувчи Аҳад Фуломовнинг аризасидан бошланди. Аризининг мазмунига кўра, ўгли хорижга ишлаш учун кетганидан кейин келинининг қадам олиши ўзгарибди. Шу сабабли энди уларнинг никоҳини бекор қилиш пайига тушиб, фуқаролар йиғинига мурожаат қилибди.

Х.Шарипов ариза билан танишиб чиққач, А.Фуломовга келаси ҳафта иккала кудани чақириб, маҳалла ярашув комиссияси иштирокида кўриб чиқшни айтса, А.Фуломов бунга эътироз билдириб, иложи бўлса, ўзингиз сўбатлашиб кўринг, мен у билан гаплашолмайман, деб илтимос қилади.

Начора, раис унинг гапи билан куда томонга кўнғироқ қилади-да, ўзини таништириб, кизи билан куёви масаласида учрашиб кетишни сўрайди. Куде бўлиш Салоҳиддин Эсонов хўп, дея маҳалла фуқаролар йиғини раисининг телефон рақамини сўраб олади-да, орадан роппа-роса икки ой ўтгандан кейин қайноғаси билан идорада пайдо бўлади. Буни қарангки, ўша пайтда А.Фуломов ҳам шу ерда эди. Салом-алиқдан кейин С.Эсо-

нов қудасидан ёзган аризаси нима ҳақда эканлигини сўрайди-да, мазмунини билгач, ўдағайлашга тушади. Табиийки, А.Фуломов ҳам қараб турмай, шунга яраша жавоб қайтаради. Икки куда бир-бирларига дўқ уришни бошлаганларида С.Эсонов билан бирга келган қайноғаси ўртасига тушиб, уларни ажратмоқчи бўлади, аммо улгурмайди. Аввалига С.Эсонов жажл устиде қудасига бир мушт туширади. Кейин эса пичоқ санчади. Аксига олиб, бу ҳолат кўз очиб юмгунча содир бўлгани учун уни деярли ҳеч ким кўрмай қолади.

Яраланган А.Фуломов ерга йиқилай деганда, С.Эсоновнинг қайноғаси куёвининг қўлидаги пичоқни кўриб қолиб, ундан олиб, четдаги столга қўяди.

Воқеа ойдинлашгач, тез ёрдам чақириб, жароҳатланган А.Фуломовни С.Эсоновнинг қайноғаси ўзининг машинасида касалхонага олиб боради. Ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам туфайлигина унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Қизи билан куёвининг ўртасидаги тушунмовчиликка ўзи ҳам тушунмаган ҳолда аралашиб, қудасига жароҳат етказган С.Эсонов

қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортиди.

Турли-туман келишмовчиликлар ҳар қандай оилда ҳам учраб туради. Айниқса, ёш оилаларда бир-бирини рашк қилиш ҳолатлари ҳам кўплаб дуч келиш мумкин. Албатта, буларнинг барчаси ўткинчи, эрта бир кун эслашга ҳам арзимайдиган кўнглисизликлар бўлиб, бундай пайтда ёшлардан фақат бир-бирига ишонч ҳамда сабр талаб этилади. Қолаверса, уларнинг ота-оналари ҳам ёшларига яраша иш тутган ҳолда, бир-бирларидан айб кидирмай, фарзандларини муросяга келтириш йўлини топиб, қатта ҳаёт поғонасида турган ёш оилга имкон даражасида кўмак беришлари шарт эди.

Афсуски, С.Эсонов ана шу оддий ҳаётий ҳақиқатни унутди. Қудачилик — минг йилчилик, деган ақидага оёқ қўйди-ю, қиз узатиб, набира кўриш бахтига муяссар бўлган, бировдан ўрганадиган эмас, ўргатадиган ёшда бўла туриб, жаҳлини живовлай олмади. Қудасига пичоқ ўқталиб, сал бўлмаса унинг қотилига айланай деди. Бу энди унга бир умрлик сабоқ бўлса, ажаб эмас.

## Тамағир бошлиқнинг қилмиши

Эллик уч ёшга кирган Атабек Алиходжаев асли Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳридан. Олий маълумотли, 3 нафар фарзанди бор. Муқаддам судланмаган. Фуқаролиги бўлмасида, Марғилон шаҳар ҳокимлиги қошидаги хўжалик ҳисобидеги Уй-жойларни рўйхатга олиш, алмаштириш ва тақсимлаш бўлимининг бошлиғи лавозимда ишлаган. Ўшбу лавозимда унинг вазифаси кўп қаватли турар жой биноларидаги уйлари рўйхатга олиш, алмаштириш ва тақсимлаш, хусусийлаштиришга оид ҳужжатларни тайёрлаш ва шаҳар ҳокимлигига тақдим этиш, фуқароларни қабул қилиш, ходимларни ишга олиш ва бўшатиш кабилардан иборат бўлган. Фуқароларнинг уй сўраб ёзган мурожаатлари бўйича уй-жой фондига қарашли бўлган уйлари аризагининг яшаш жойидан маълумотнома, турар жойга муҳтожлиги ҳақида МФЙнинг тавсияномаси, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳокимнинг қабулхонаси орқали бўлимага чиққанидан сўнг ўрганилиб, мазкур шахс ҳақиқатда турар жойга муҳтожлиги аниқланса, шаҳар ҳокимлигига тақлиф киритиш, йиғилган ҳужжатлар шаҳар ҳокимлиги ишчи комиссияси томонидан кўриб чиқилиб тасдиқланса, шаҳар ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлаш, шаҳар ҳокимининг қарори чиққанидан сўнг турар жойга эгаллик ҳуқуқини берувчи ордерга имзо қўйиб, ҳокимият муҳрини босириб бериш, шунингдек, турар жойларни хусусийлаштириш бўйича аризаларни қабул қилиб, ҳужжатларни шаҳар ҳокимлиги комиссиясига тақдим этиш, ҳоким қарорининг лойиҳасини тайёрлаш ҳам бўлимининг хиз-



мат вазифалари доирасига кирган. Аммо А.Алиходжаев ушбу ваколатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланган. Бевосита хизмат бурчини бажариш, ариза-муурожаатларни ҳал қилиши эвазига фуқаролардан пора талаб қилиб олаверган. Шулардан бири — Н.Разекбекова 2011 йил 15 ноябрь кuni унинг хизмат хонасига кириб борди.

— Онам вафот этганлар. Илтимос, аямнинг уйларини менинг номимга ўтказиб бериңг.

— Бўпти.

Н.Разекбекова унга Марғилон шаҳар А.Ясавий кўчаси 2-уй, 7-хонадоннинг ордерини берди. А.Алиходжаев ордерлар китобини варақлаб қараса,

ушбу 58-рақамли ордер М.Дадабоева номига эмас, И.Саримсоқова номига берилган экан.

— Ордер сохта-ку, — деди А.Алиходжаев.

— Илтимос, уйни менга расмийлаштириб беринг, нима хизмат бўлса, тайёрман.

— Бўпти, 200 минг сўм берсангиз, тўрилай бераман.

Н.Разекбекова шартга кўнди. А.Алиходжаев ваъдасига вафо қилди. Яъни, 1994 йил 18 январь кuni М.Саримсоқова номига берилган ордерни қайтадан 2011 йил 17 январь санасида 58-сонли ордер билан М.Дадабоевнинг номига берилган, дея расмийлаштириб, хонадонда яшайдиган оила аъзолари қаторига Н.Разекбековани ҳам киритиб қўйди. Сохта ордерни имзолаб, муҳр ургач, аёлга топширди. Н.Разекбекова унинг қўлига 50 минг сўм берди.

— Қолганини ҳам опкелиңг, — деди А.Алиходжаев пулни сейфга солаётиб.

— Энди шу уйни хусусийлаштириб олишимга ёрдам берсангиз, — яна илтимос қилди аёл.

— Бунинг учун 650 минг сўм пул, уйнинг ордери, паспортингизни олиб келишимиз керак.

— Яримни қилиб берсам-чи.

— Бўлмайди.

Хуллас, Н.Разекбекова бошлиқ айтган пулни келтириб берди. У пулни сейфга солган пайтда хонага ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари кириб келишди. А.Алиходжаев ҳозиргина олган пулларни сейфдан қайтариб олишга мажбур бўлди. Ундан шунингдек, Н.Разекбекованин фуқаролик паспорти, қайта расмийлаштирилган 58-сонли сохта ордер ҳам ашёвий далил сифатида олинди.

Илҳомжон ХОДЖАЕВ,  
Фаргона вилоят прокуратураси қатта терговчиси

Дастлабки терговда А.Алиходжаев томонидан турар жойларга берилган ордерлар сохталаштирилганига оид бошқа ҳолатлар ҳам аниқланди. Чунинчи, у 1994 йил 17 январь кун санаси билан фуқаро Б.Мўминовга Марғилон шаҳри А.Ясавий кўчаси 2-уй, 48-хонадон расмийлаштирилиб берилгани ҳақидаги 94-сонли ордерни 2011 йил февраль ойида сохталаштириб, ордерга ўша турар жой биносидеги қўшни, ёнма-ён жойлашган 49-сонли хонадонни ҳам киритиб беради. Бундан ташқари, "ҳожат-ро" 2011 йил март ойида фуқаро У.Сотволдиевга 2001 йил 18 октябрь кuni берилган 4-сонли ордерни ўша сана билан қайтадан расмийлаштириб, уй эгасининг фарзанди Н.Сотволдиев ўрнига сингласи У.Тўланова номини қайд этиб, расмий ҳужжатларни сохталаштиради.

Суд мажлисида А.Алиходжаев ҳар учала ҳолатда муайян "хизмат ҳақи" эвазига ҳужжатларни сохталаштириб, аслида яшамайдиган қишлоқлари хонадонда яшовчилар қаторига киритиб қўйиш, эски ордерга қўшни хонадонни ҳам киритган ҳолда сохталаштириб, ўша сана билан қайтадан расмийлаштириб бериш, хонадонни асл эгаси бир четда қолиб, бошқа фуқаро номига хусусийлаштириб беришга қасд қилишдан иборат жиноий қилмишларни содир этганига иқдор бўлиб кўрсатма берди. Унинг айби шунингдек, ҳужжатли далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ҳам тўқис исботини топди. Порахўр 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.



# Эътиборга сазовор



**Кашқадарё вилоятида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, jinoyatchilik va huquqbuzarliklarning oldini olish hamda huquqiy amaliy tajribasini oshirish uchun qurilgan fuqarolik xizmat markazi bo'lgan Abruyl Nazarov qutlug' 70 uyi qurilmoqda.**

У Қашқадарё вилоят прокуратураси тизимида 28 йилга яқин фаолият юритиб, жумладан, Деҳқонобод туман прокурори ёрдамчиси, терговчиси, Косон, Фузор, Касби ва Баҳористон туман прокуратуралари терговчиси, Баҳористон туман прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратураси бўлим прокурори, Косон туман прокурори ёрдамчиси, Косон туманларо прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Абруйл Назаров ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, изланувчанлиги, адолатпарварлиги, ҳушфёлиги, самимийлиги ва фидойилиги билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Абруйл Назаровнинг ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳуқуқташвиқ томонидан муносиб баҳолашиб, "Фахрий ёрлик" билан тақдирланди.

Ҳурматли Абруйл Назарович, табарруқ 70 ёшингиз муборак бўлсин! Бугунги шодиёна қонда Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлар ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази**

# Фидойи инсон



**Эркин Эргашев қаерда ва қандай лавозимда ишлаганини, ҳақиқат билан таърибли ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоат орасида эътибор қозонди.**

1981 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий Университет) ни ҳуқуқшунос мутахассислиги бўйича тамомлаган Эркин Эргашев меҳнат фаолиятини 1982 йилда Самарқанд вилояти Сибё туман прокуратурасида иш ўрганувчи терговчи вазифасида бошлади. Кейинчалик Жомбой туман прокурорининг иш ўрганувчи ёрдамчиси, Пайарик туман прокуратураси терговчиси, Каттакўрғон туман прокурори, туман прокуратураси терговчиси, вилоят прокуратураси бўлим катта терговчиси, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, прокурори, Каттакўрғон шаҳар прокуратураси катта терговчиси, Жомбой туман прокуратураси терговчиси сифатида фаолият юритди. Сўнгра вилоят прокуратурасига ўтиб, бўлим прокурори, прокурор-криминалист, катта прокурор-криминалист, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бошқарма алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси, Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи, СВОЖДЛҚК Департаментининг Самарқанд вилояти Булуңғур туман бўлими бошлиғи лавозимларида меҳнат қилди. 2006 йилдан Департаментнинг Самарқанд туман бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Фаолияти давомида меҳнатсеварлиги, самимийлиги, изланувчанлиги, фидойилиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозongan Эркин Эргашев, 4 фарзанднинг отаси, 7 нафар набиранинг бобоси ҳамда бир неча малакали, етук шогирдларнинг устози ҳамдир.

Ҳурматли Эркин Эргашев, қутлуг' 60 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик тилаймиз.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид jinoyatchilik ва jinoyatchilik даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти**

# Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлар ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

**Барно ЛУТФУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Олмазор туман прокурорининг ўринбосари Комилжон Гуломовга онаси **Маҳфуза** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Турмуш фаровонлиги омили

Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналиши ва энг муҳим шартдир. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда ишсизлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, муаддалар ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ногиронлар ва аёлларни ишга жойлаштириш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирлар олиб борилаётган. Чунинчи, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури да ҳам айнан фуқароларнинг бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

**Анвар ИШОНҚУЛОВ,**  
Когон туман прокурори

нинг март ойида ўтказилган бўш иш ўринлари ямаркасида 45 та корхона ва ташкилот 157 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ямарка иштирокчиларининг аксариятини таълим муассасалари битирувчилари ташкил этди. 50 нафар иштирокчига (шундан 15 нафар коллеж битирувчилари) ишга жойлашиш учун йўланмалар берилди. Шунингдек, туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқаролар учун 54 та корхонада 216 та иш ўрни, шу жумладан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар учун 19 та иш ўрни яратилган бўлиб, 21 нафар фуқаро шу иш ўринларига жойлаштирилган.

Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан кичик корхоналар билан тузилган шартномаларга асосан "Уста-шогирд" аънасига кўра, миллий ҳунармандчилик касбларига ўқишнинг йўлга қўйилгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, корхона, ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида иш билан банд бўлмаган фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган.

**Д**астур ижросини таъминлаш борасида туманда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2012 йил январь-март ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида 98 та кичик корхона ва микрофирмалар орқали 914 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Яқка тартибдаги тадбиркорлик йўналишида 82 та хусусий тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилиб, уларнинг бандлиги таъминланган. Касаначиликнинг барча шакллари йўналишида 210 та, шундан оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш йўналишида 160 та иш ўринлари ташкил этилди.

лан банд бўлмаган фуқаролар таркиби аниқланиб, уларни меҳнат органларида рўйхатдан ўтказиш чоралари кўрилди. Туман маҳаллий меҳнат органларига иш сўраб мурожаат қилган 452 нафар фуқаро рўйхатга олиниб, улардан 439 нафари доимий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, жорий йилнинг 3 ойи давомида касаначиликнинг барча шакллари ривожлантириш орқали туманда 210 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида 15 та янги иш ўринлари, шундан йирик санаот корхоналарида 10 та, бошқа корхоналарда 5 та иш ўринлари ташкил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилдаги 308-сонли Қарорининг ижроси бўйича 63 та оиллага қарама-қарши учун шартнома яратиб берилди.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ўзини ўзи бошқариш органлари ёрдамида иш билан банд бўлмаган фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ташаббуси билан жорий йил

Туман прокуратурасининг ташаббуси билан жорий йил

ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН

# «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали танлов савдосига тақлиф қилади!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 29 мартдаги 63 к-ПО-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси тасарруфидида, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналминал кўчасида жойлашган умумий майдони 1985,0 кв.метрга тенг бўлган қурилиш тугалланмаган 5 қаватли ишлаб чиқариш биноси танлов савдосига қўйилганлигини қўшимча равишда маълум қиламиз.

**Бошланғич нархи — 323 982 800 сўм.**  
"Объект"ни танлов савдолари орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- 323 982 800 сўмдан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш тўловини тақлиф этиш;
- 100 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция қилиш мажбуриятини олиш.

Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртма номларини савдо ташкилотчиси "KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалига тақдим қилишлари ва объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлаб келишувига асосан "KMSX" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг ОАИТБ "Ипак йўли" Савдон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари закатлаб тўловни эркин муомаладага валютада (АҚШ доллари) ёки миллий валютада (сўм) амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширади.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов тақлиф шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари "KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалига тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг, олиниши мумкин.

Танлов ҳужжатларининг нархи Ўзбекистон Республикаси

публикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан белгиланади. Ушбу тўлов қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим: х/р 401010 860262737950100021001, СТИР: 200 950 435, ОКОНХ: 97400

Олувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги амалдот бош бошқармаси. Олувчининг ҳисоб-рақами: 23402 000 300100001010,

Олувчи банки: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бошқармаси Ҳисоб-касса маркази Олувчи банки коди: 00014; Олувчи СТИР: 201 122 919. Олувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Танлов тақлифларини қабул қилиш 2012 йил 7 май кунин Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади. Талабгорлардан тақлифлар тушмаган тақдирда танлов савдолари 2012 йилнинг 15, 22 ва 29 май кунлари соат 11:00 да такроран ўтказилади, такрорий савдоларга танлов тақлифларини қабул қилиш бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади).

Танлов тақлифларини тақдим этилган конвертларини очиб ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 8 май кунин Тошкент вақти билан соат 11:00 да Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси мажлислар залида (3-қават) амалга оширилади. Тақлифларини очиб вақтида танловда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этиши мумкин.

Танлов савдоси натижалари кўра голиб чиққан иштирокчи 20 кундан кечикмай сотувчи ва голиб ўртасида давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилади.

Юқоридаги кўчмас мулкнинг танлов савдоси бўйича эълон «Нуқид» газетасининг 2012 йил 5 апрелдаги 14-сонида чоп этилган.

Танлов савдоларини ўтказиш ва танлов ҳужжатларини тўлдирish билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишнингизни сўраймиз: 100060, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темуш шоҳ кўчаси, 16А-уй. Тел 203-23-49. Веб сайт WWW.1kms.UZ. Электрон почта манзил: rieltssavdo@inbox.uz

**Huquq**  
yuridik gazeta

**Muassis:**  
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Abbosxon SANGINOV  
Muxtor ZOIROV  
Gulnoza RAHIMOVA  
Yusupboy G'OIPOV  
Svetlana ORTIQOVA

**Baxtiyor NAZAROV**  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Shavkat YODGOROV  
(mas'ul kotib)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 233-98-40, 233-10-53

**Faks:** 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

□ — tijorat material.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

**Buyurtma j-4464 51 061** nusxada bosildi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

**Navbatchi muharrir: D.XALILOV**

**Musahhatchi: M.QAMBAROV**

**Navbatchi: O'.DEHQONOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 18.00.  
Topshirildi: 17.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yl 12 oktabrda O'188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617